Бугун—Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни

ЎЗБЕКИСТОН, НУРГА ТЎЛДИ БУГУН ҲАР ЧОҒ, ҲАР ОНИНГ, ҚУВОНЧИНГНИ СИҒДИРОЛМАС МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИНГ!

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

№ 172—173 (21.272) 1992 йил 1 сентябрь, сешанба Нархи 3 сўм.

Мустақиллик тарихининг зарварағига олтин ҳарфлар билан муҳрланган сўзлар:

Ислом КАРИМОВ:

«Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман».



(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясидаги нутқидан. 1991 йил 31 август).

Ислом КАРИМОВ:

«БИЗ ЭНДИГИНА ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИГА ЧИҚДИК...»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА, 29 АВГУСТ КУНИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

ПРЕЗИДЕНТ журналистлар ҳузурида гапириб, Ўзбекистон парламенти бундан бир йил олдин Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияни эълон қилгани республика халқи хоҳиш иродасининг натижаси бўлганини таъкидлади. Сайлов участкаларига келган фуқароларнинг 98 фоизи Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун овоз берди. Улар — 100 дан ортиқ миллат вакилларидир.

Бироқ Мустақиллик тўғрисидаги Декларация ўзларини демократ деб ҳисобловчи кўплаб кишиларнинг мулоҳазасидаги ҳамма муаммоларни ҳал этиш йўли эмас. Фақат қудратли иқтисодий база, республика кўп миллатли халқининг осойишта ва тинч турмушигина мазкур тарихий ҳужжатни муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг асосидир.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига ўтиб олган кундан буён ўтган йил қандай бўлди? Бу унча жўн бўлмаган саволга Ислом Каримов очиқчасига жавоб қайтарди: ҳа, бу қийин йил бўлди. Чунки ҳозирги дунёда «ўз хонадонига боркинмб олиш», ҳамма муаммоларни бир дақиқада ҳал этиш мумкин эмас. Муаммолар эса, афсуски, кам эмас. Аммо шу вақт ичида кўпгина ижобий натижаларга эришилди. Ҳаммасини санаб ўтирмаймиз. Асосийларига тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги Ўзбекистон собиқ СССР ҳудудидаги миллатлараро муносабат барқарор бўлган камдан-кам минтақалардан биридир. Бошқа МДҲ республикаларидан фарқли равишда бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларини арзонроқ харид қилиш мумкин. Бу тасодифми ёки қонунийми!

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ, 1992 ЙИЛ, 31 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУТЛОВ

Президент И. А. КАРИМОВнинг Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқи

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Дўстлар!

Барчангизни улуғ ва муқаддас байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллиги билан юрак-юрагимдан муборакбод этаман. Эрк байрами, озодлик шодиёнаси барчангизга қутлуғ бўлсин!

Бир йил олдин ўзбек халқи тинч йўл билан ўзининг азалий ҳуқуқига—ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳақиқий давлат қуриш бахтига эришди.

Бугун — халқимизнинг минг-минг йиллик тарихида алоҳида ўрин тутадиган, мўътабар мазмунга, буюк аҳамиятга эга бўлмиш байрам.

Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, аввалambor, асрлар давомида буюк истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг, унинг асл фарзандларининг тинимсиз олиб борган жонфидо курашлари натижаси бўлди.

Бугунги байрам аждодларимиз бўлмиш улуғ алломалар — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимиз руҳи қўллаб-қувватлагани, бизларга бахш этилган олижаноб туйғулар — руҳ озодлиги, қалб поклиги, иймон, чўнг ирода, мардлик, юртпарварлик, миллату Ватан учун фидойилик ва бошқа асл фазилатлар наслимизга, қон-қонимизга сингиб кетганининг исботидир.

Аминманки, буюк аждодларимизнинг руҳи-поки ҳозир ҳам тепамизда туриб, кўнгилларимизга холис ва эзгу ниятларини сочяпти, ғайратимизга ғайрат, умидимизга умид қўшяпти.

Азиз ватандошлар!

Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилмаган. Мустақилликнинг бир йили — катта йўлнинг бошланиши, холос. Ҳаётимизнинг ўзи, бошдан кечаётган воқеалар танланган йўлимиз олдга қўйган мақсадларимиз тўғрилигини яққол тасдиқлаяпти.

Биз мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий қадриятларимизни буткул йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик.

Ер усти ва ер ости заҳираларимиз, авлод-аждодларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий бойликларимиз ва имкониятларимиз юртимиз аҳли фаровонлигига кафолат, жамиятимизнинг ижтимоий тараққиёт ва равнақига хизмат қилувчи замин бўлди.


(Давоми иккинчи бетда).

ОЛАМ ИЧРА ЯНГИ БИР ОЛАМ— ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

● ТОШКЕНТ. 1992 йил 31 август. Қадим Шошнинг байрамона ҳуснига тароват бағишлаб оқшом тушмоқда, соат милларн олти рақами билан юз кўришганда Мустақиллик майдонининг тўрт томонида курантларнинг залворли занги эшитилади. Байрам тантаналари бошланганидан хабардор этиб, карнай садолари таралади. Бу ҳаяжонли дамлар Ўзбекистон Республикаси тарихи зарварақларига абадий муҳрланиб қолажак.

ЎЗБЕКИСТОН деб аталмиш юрт бугун жумлаи жаҳон кўз ўнгида ўз мустақиллигини байрам қилмоқда. Бош майдон узра қад кўтарган истиқлол рамзи — Ер курраси меҳварида навқирон Ўзбекистон давлатининг сарҳади яққол аксланиб, олам ичра янги бир олам — меҳнаткаш ва меҳрибон, танти ва меҳмондўст, болажон ўзбек халқининг мустақил—озод Ватани пайдо бўлганидан дарак бериб турибди.

(Давоми учинчи бетда).



ЯШАСИН ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ!

Суратни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

Ислом КАРИМОВ:

«БИЗ ЭНДИГИНА ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИГА ЧИҚДИК...»



(Давоми. Боши биринчи бетда.)

— Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлига дадил чиқиб олди, — деди республика бошлиғи. — Лекин бу ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак деган гап эмас. Тартиб, аҳолининг энг камбағал табақаларини ҳимоялаш ҳар қандай демократик давлатнинг асосидир. Бу масалада бизда кўп иш қилинмоқда. Республикамизнинг қаерда жойлашганлигини ҳисобга олиш лозим. Ер ва сув шу сахий ўлкада ҳамиша асосий муаммо бўлиб келган. Шу сабабли деҳқонлар — ерни ардоқлайдиган кишиларнинг ўзи шу ернинг қонуний эгаси бўлиши керак. Энди улар демократик Ўзбекистоннинг қонунларига мувофиқ вақтича фойдаланиш учун эмас, балки мерос қолдириш ҳуқуқи билан ҳамишаликка ўз ерларига эга бўладилар. **Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсати бир нарсага — республика фуқароларининг фаровонлиги ва муносиб турмушини таъминлашга қаратилган.**

Табиийки, **журналистлар билан учрашувда ёш мустақил давлатнинг ташқи сиёсий йўлига оид кўп саволлар берилди.** Бу йўл аниқ ва равшан: тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда мулоқот бошлашга тайёр турган барча хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдир. Яна бир муҳим жиҳат бор. 121 та хорижий давлат Ўзбекистонни тангани, республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо этиб қабул қилинганлиги Ўзбекистон зиммасига муайян мажбуриятлар юклайди. Зеро, Ўзбекистон бу мажбуриятларни бажармоқда.

Бир мисол келтирамиз. Хориждаги етакчи ҳуқуқшунос экспертларнинг фикрича, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида фуқаролик тўғрисидаги Қонун жаҳондаги энг демократик қонунлардан биридир. Барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари, миллатидан, диний эътиқодидан, сиёсий қарашларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва уларнинг бурчлари ҳам бир хилдир.

Ислом Каримов Туркия Республикаси билан ўзаро муносабатларга доир саволга жавоб қайтариб, Туркия — Ўзбекистонда ақидапарастлик қўллаб-қувватланмайди, — деди Президент. — Кўп асрли тарихга эга бўлган, жаҳонга буюк мутафаккирларни берган халқ мутаассиблик авж олишига йўл қўймайди. Тарих ғилдирагини орқага бурib бўлмайди. Ўзбек халқи миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ижтимоий тараққиётга асосланган ўз йўлидан боради.

Оммавий ахборот воситаларининг вакилларини бошқа кўпгина масалалар ҳам қизиқтирди. Хусусан, Россия билан, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қисмларида хизмат қилаётган рус забонли аҳоли билан ўзаро муносабатларга тааллуқли саволлар қизиқтирди.

Бу соҳада Президентнинг ва умуман республика раҳбариятининг тутган йўли аниқ: Ўзбекистон Россиясиз яшай олмайди. Лекин бу алоқалар, кўплар буни ҳозир унутишга уринаётганликларига қарамай, сифат жиҳатидан янги негизга қурилмоқда. Айни Ислом Каримовнинг ўзи МДҲ давлат бошлиқларининг Тошкент учрашувида коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзолашни таклиф қилди. Бу таклифни Б. Ельцин ҳам, Л. Кравчук ҳам, С. Шушкевич ҳам қизғин қўллаб-қувватлашди. Россия ҳозир Ўрта Осиё минтақасида чегаралар хавфсизлиги ва дахлсизлигининг кафолати бўлиб турибди.

Шу вақтгача собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларида яшаган ҳарбий хизматчилар тўғрисида гапирганда эса, улар Ўзбекистоннинг бошқа фуқаролари каби ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар. Республика ёш авлодни тарбиялайдиган юқори малакали ҳарбий ходимлар бўлишидан манфаатдордир. Лекин уларнинг Ҳамдўстликдаги бошқа мустақил давлатларда жойлашган қисмларга жўнаб кетишлари учун ҳеч кимга тўсқинлик қилинаётгани йўқ.

Журналистлар учрашув охирида Ўзбекистон раҳбарига жуда қисқа, лекин энг асосий саволлардан бирини бердилар: «мустақилликнинг шу 365 кунида Президент учун энг асосий нарса нимадан иборат бўлди?».

Ислом Каримов ҳам жуда қисқа жавоб қилди:

— Диёримизда тинчлик ва осойишталик!

А. АБДУҚОДИРОВ,
Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбирлари.



Ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашувда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҚУТЛОВ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон ҳудуди, давлат чегаралари ва иқтисоди халқимиз куч-қудратига таянган ҳолда мустаҳкам ҳимояга олинди.

Давлат бошқарувининг, ташқи ва ички сиёсатнинг, иқтисодиётимизнинг мустақил эркин давлатга муносиб тарзда ривожланиши истиқболларига қарашлари, журналистларни қизиқтирди. Ислом Каримов бу масалаларга алоҳида эътибор берди. Ҳунрезлик, сиёсий воқеаларнинг боришига дин арбобларининг таъсир ўтказиши, ақидапарастлик — ғоят реакцион оқимдир, деди у. Бу оқим ҳеч қандай яхшиликка олиб бормайди. Афғонистондаги воқеаларга бутун Ўрта Шарқда юз бераётган жараёнлардан ажратиб алоҳида қарамаслик керак. Тожикистон бу фикрни тасдиқлаб турибди, у ерда қон тўкиляпти, уруғаймоқлар ўртасида ҳокимият учун кураш кетмоқда. Шунга қарамай, ҳамма муаммоларни ташқаридан кучларнинг аралашувисиз ҳал этиш зарур. Бу можароларни фақат тинч музокаралар, жаҳон жамоатчилигининг фаол таъсиригина бартараф эта олади.

Давлат бошқарувининг, ташқи ва ички сиёсатнинг, иқтисодиётимизнинг мустақил эркин давлатга муносиб тарзда ривожланиши, шаклини тузяпмиз. Аҳолимизни, кўп болали ва кам даромадли оилаларни, ногиронларни, фахрийларимизни, фарзандларимизнинг янги тизим барпо этишда табиий ҳолда юзага чиқадиган қийинчиликлардан асраш чораларини кўряпмиз. Халқимиз таъминотини узлуксиз ташкил қилишни энг муҳим мақсадимиз, деб биламиз.

Биз янги жамият қурар эканмиз, бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва ўз шароитимизда татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан фойдаланамиз. Бу ерда гап бирон-бир моделни — йўлни, ҳатто у ижобий натижа берган тақдирда ҳам кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ.

Сиёсатимиз мақсади — Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишидан иборат. У, аввалambor, юртимизнинг ўзига хос хусусиятларини, шарт-шароитини, аҳолининг миллий ва маданий анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Биз мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият қуряпмиз. Ниятимиз инсонпарварлик, виждон эркинлиги қоидаларига асосланган, миллати, дин—эътиқодидан қатъи назар, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган тизим қуришдир.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмуни шуки, юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузилмалари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишига кафолат берилади.

Биз мафкурабозликдан, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечдик. Чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантиряпмиз.

Аммо, айни вақтда, ҳокимиятни ичво-пўписа, зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, жумҳуриятимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоват уруғини сепадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий негизларига тажовуз қиладиган кучлар ва ҳаракатларни қонундан ташқари деб ҳисоблаймиз ва уларнинг фаолиятини қонун талабига мослаш зарур деб ўйлаймиз.

Иқтисодий соҳада эса буйруқбозликка, ўта марказлаштирилган ва тақсимотчиликка асосланган тизимдан ва умуман ўша эски мафкурадан бутунлай халос бўлиш йўлидамиз.

Олий Кенгашда қабул қилинган қарорларга биноан, мулкчиликнинг барча кўринишлари — давлат мулки, ширкат мулки, хусусий мулк ва бошқа эгалик шаклларига ҳуқуқий тенглик берилди, бу тенглик қадам-бақадам қарор топмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишга замин тайёрлаш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, тайёрга айёрлик кайфиятини батамом тугатиш, хорижий мамлакатлар, ишбилармонлар, банклар, иқтисодчилар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли алоқа боғлаш, уларнинг сармояларини халқ хўжалигимизга олиб келиш учун кераkли шарт-шароит яратиб бериш — буларнинг барчаси республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Татбиқ қилинаётган сиёсий ва иқтисодий дастурлар ҳаётимизга осонлик билан кираётгани йўқ, албатта, ер-сувимизгина эмас, дину имонимиз бир, қувончу ташвишимиз, тарихимиз ва тақдиримиз бир.

Буни ҳаммамиз, биринчи навбатда, Президент сифатида мен ўзим ҳам тан оламан.

Халқимиз бошдан кечираётган ҳозирги қийинчиликлар: турмуш даражаси пасайиши, қимматчилик, етишмовчилик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, тартиб-интизомнинг бўшашиши, авваламбор, собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлиб кетгани асоратидир. Кўп йиллар давомида юртимизга беписандлик ва зўравонлик билан сиёсат ўтказиш натижасида иқтисодимизни, хўжаликларимизни қарамлик ҳолига, нуқул хом ашё чиқарадиган ҳудуд ҳолига олиб келиб қўйилгани оқибатидир.

Кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган коммунистик ғоялар тазйиқидан халос бўлиш осонликча кўчмайди. Янги, адолатли жамият қуриш ҳам бир кунлик иш эмас, албатта. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими — биз юртимизда, диёримизда миллатлараро тотувлик ва фуқаролар бирлиги заминида барқарор сиёсий-ижтимоий вазиятни барпо этдик. Собиқ Иттифоқнинг бир қанча давлатларида бўлаётган фожиали воқеаларга қиёслайдиган бўлсак, жаҳон аҳли ўзбек халқининг нақадар бағрикенг, танти ва саховатли халқ эканини яна бир марта кўрди.

Юртимиздаги барқарор вазият, халқимизнинг баланд руҳи Ўзбекистон танлаган йўл бутун Ўрта Осиё ҳудуди учун ибрат йўли бўлиб келаётгани ва бу ҳолнинг буюк масъулиятини тўла ҳис этамиз.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик — биз барчамиз бир ота-онанинг фарзандларимиз.

Биз барчамиз — улуғвор дарахтмиз. Бу дарахтнинг замон шамол-бўронларидан эсон-омон қолиши бизнинг ўзаро жипс, якдил ва мустаҳкам бўлиб туришимизга боғлиқ. Биз рус, украин, беларус халқлари билан, бир вақтлар собиқ Иттифоқ таркибига кирган бошқа барча халқлар билан ҳам ҳамкорлик тарафдоримиз. Биз бутун дунё халқлари оиласида тенг ва бахтиёр яшашни истаймиз.

Бугун Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Республикамиз кўпгина обрўли халқаро, давлатлараро ташкилотлар ва кенгашларга таклиф қилинди ва уларнинг ишида фаол қатнашяпти. Республикамизни 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Элликка яқин давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатдик. Бугун жаҳон сармоялари ҳам Ўзбекистоннинг ишончли ва кучли шерик эканига амин бўлдилар. Энг муҳими — дунё аҳли меҳнаткаш, ҳалол, ўз тупроғининг жонкуяр эгаси бўлган ўзбек халқини тан олди ва таниди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий меросининг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда.

Инсонпарварлик — ўзбек халқи миллий онгининг ўзак фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ёт. Халқимиз минг-минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан ягона давлатчилик зафарлари нашъасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асоратини аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйинлари ҳам, табиий офатлар ҳам халқимизнинг инсоний табиатига доғ туширолмади.

Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва рўшнолик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, ўзгалар қайғусига ҳамдардлик мужассамлангандир.

Бизнинг муштарак бурчимиз — Ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод этиб, бахтиёр яшаш учун муносиб қилиб қолдиришдир. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Бизнинг одамларимиз учун Ватандан жудо бўлишдан оғирроқ изтироб йўқ. Ҳеч ким бу тупроқни ўз ихтиёри билан ташлаб кетган эмас. Биз Ватанни барчамиз учун умумий маскан дебгина эмас, балки барчамиз учун ягона қалб дея идрок этамиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда олисда яшаётган, қатағон йилларида тазйиқ кўриб она юртдан жудо бўлган ватандошларимизнинг қисматини енгил қилиб: келинг ота юртимизга, шу муқаддас тупроқни, унинг нурли келажагини, қувончу ташвишларини сиз азизлар ҳам биз билан баҳам кўринг! деб мурожаат қилсак, жуда олижаноб, адолатли иш бўлур эди.

Оила шарафи ва насл-насаб билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, меҳнат ва билим билан насл-насаб нуфузини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Азиз юртдошлар!

Мана шундай мўътабар байрам чоғида бир-биримизга кўнглимизни, бағримизни кенг очиб, қўлни-қўлга бериб, ғам-ғуссаларни, гина-кудуратларни унутиб, буюк аждодларимиз панд-насиҳатларини эслаб, келажак авлоднинг — фарзандларимизнинг тақдирини кўзлаб аҳд қилайлик:

— Жонажон диёримиз, Ватанимиз, заминимиз учун бутун борлиғимизни бағишлаймиз!

— Танлаган йўлимиздан қайтмаймиз!

— Истиқлолимиз учун бутун ҳаётимизни, тангримиз ато қилган олижаноб фазилатларимизни, фидойи меҳнатимизни аямаймиз!

Азиз дўстлар!

Нутқимнинг якунида муқаддас одатларимизни эслаб, ҳаммамизнинг юрагимизда бўлган тилагимизни айтсам:

Илоҳим юртимизга тинчлик-хотиржамлик, осойишталик, файзу барака ато қилсин, балою қазодан асрасин.

Фарзандларимизни, барча аҳлимўминни, фуқароларимизни бахтли-саодатли қилсин, эзгу ниятларига етказсин. Мустақиллигимизга қувват берсин, ёмон кўздан асрасин.

Ҳаммамиз бирликда, аҳилликда ўзлигимизни намоён этиб, ота-боболаримиз руҳини шод айлайлик.

Улуғ ва мўътабар ишларимизда Олло таоллонинг ўзи мададкор бўлғай!

Яшасин миллий мустақиллигимиз!

Яшасин Ўзбекистон истиқлоли!

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштироки учун 29 август куни Тошкентда республиканинг бир гуруҳ раҳбарларига «Мустақиллик» эсдалик нишонлари топширилди.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталовлар бор. Эсдалик нишонлари Олий Кенгаш Раёсатининг аъзоларига, Бош вазир ўринбосарларига, Президентнинг давлат маслаҳатчиларига, вилоятларнинг ҳокимларига ҳам топширилди.

Мукофотларни топшириш маросимида И. Каримов нутқ сўзлади. Президент тўпланганларни катта байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги билан қутлади. Бу кун демократик ва ривожланган давлат барпо этиш йўлига ўтган Ўзбекистон тарихидаги шонли босқичдир.

* * *

Шу куни оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, жамоат ташкилотларининг ва етакчи ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари кўкракка тақиладиган «Мустақиллик» эсдалик нишони билан мукофотландилар. Уларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров топширди.

(ЎзА).

ҲУРРИЯТНИНГ ТОТЛИ ОШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида мамлакатимиз Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан 29 август куни ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят, Тошкент вилоят, шаҳар ва Миробод район кенгашлари ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, республика Мустақиллик байрамини ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси М. М. Расулов диёримиз эришган ҳурриятнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, йиғилганларни бу мўътабар байрам билан қутлади. У бир гуруҳ партия ходимларига кўкракка тақиладиган «Мустақиллик» эсдалик нишони ва гувоҳномаси топширди. Улар жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги фаол иштироки учун ва Мустақиллик кунининг бир йиллиги муносабати билан ана шу мукофотга сазовор бўлишди.

Шундан сўнг М. М. Расулов партия Марказий Кенгаши, Тошкент вилоят, пойтахт шаҳар ва Миробод район кенгашлари ходимларига Ўзбекистон ХДП аъзоси билетларини топширди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари М. Қирғизбоев, А. Х. Саидов, Ҳ. М. Абдураимов, И. А. Кочмарик ҳамда партия Марказий тафтиш комиссияси раиси Ў. Турғунов қатнашдилар, Йиғилиш сўнггида дастурхон ёзилиб, ош тарқатилди. Бир пиёла чой атрофида суҳбат қурилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

БАХТЛИ БЎЛ, БОЛАЖОН!

Сен 1992 йилнинг Биринчи сентябрида — ажойиб шодиёна бир кунда, Ўзбекистон Республикаси озод ва мустақил, деб эълон қилинган кунининг бир йиллиги байрами кунида туғилдинг.

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, эркатойим!

Ота-онанг, халқинг, Ватанинг ҳамиша бахт-саодатинг учун, ёмон кунлар сенга соя ташламаслиги, қуёш беланчагида ўсиб-улғайиб янги асрни кутиб олишинг, юртингнинг асл фарзанди бўлиб етишишинг учун ғамхўрлик қилади.

Теваракда неки бор — бепоён она замин, унинг дарё ва водийлари, боғ ва далалари, қадим ва навқирон шаҳарлар, билимлар хазинаси, маънавиятимиз сарчашмалари, адабиёт ва санъат асарлари, оталар ва боболарнинг доно ўгитлари — бари сеники! Ватан бойликларини кўз қорачиғидек сақла, камол топтир, Ўзбекистон шуҳратини жаҳон узра тарат!

Соғлом, гўзал, олижаноб бўлиб камолга ет. Ҳамиша ҳалол ва дилдор бўл, қийинчиликлардан чўчима, хайрли ишларни амалга ошир, дўстликнинг қудратини қапрла!


Ўзбекистон — ўз уйингни дил-дилингдан сев, қўшниларингни эъзозла, ҳар қандай кунда, ҳар қандай синовда халқинг билан бирга бўл!

Ҳаёт йўлларида сенга қувонч омад, бахт тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ

БИРИНЧИ МАРТА! ПОЁНСИЗ СТЕРЕО РОҲАТ!

ЯНГИ SONY СТЕРЕО ПЛЮС ТИЗИМИ УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР ДОИРАСИНИ ФАҚАТ SONYГАГИНА ХОС БЎЛГАН СТЕРЕОЖАРАНГДОРЛИК СИФАТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРАДИ



- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли радиостанцияларингизни ультрақисқа тўлқинларнинг куйи (65–74 МГц) ва юқори (87,5–108 МГц) доираларида стерео шароитларида қабул килиш имконини беради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС овознинг тиниқ жаранглаши, замонавий жиҳозланиш ва бошқарувнинг енгиллигини ўзида мужассамлаштиради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС – бу миди- ва мини- HI–FI тизимлари ва стереомагнитола демакдир.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли асарларингиз ёзилган юксак сифатли стереофонотекани яратишдек ноёб имкониятни тақдим этади.
- СТЕРЕО ПЛЮС – БУ SONYНИНГ ЯНГИ КАЛОМИ. Унга қулоқ тутинг. Унинг садоси беқиёс!

Сиз 1992 йилнинг 15 июлидан 31 августигача SONYнинг расмий сотувчиларидан сотиб олинган ҳар бир СТЕРЕО ПЛЮС тизими учун:

▷ битта SONY аудиокассетасини
▷ битта SONY компактдискини мукофотга оласиз.

STEREO PLUS

SONY МУҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ВАЛЮТА ДЎКОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: ТОШКЕНТ – "SONY" дўкони; САМАРҚАНД – Регистон кўчаси, "SONY" дўкони.


SONY

ОЛАМ ИЧРА ЯНГИ БИР ОЛАМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ



Яшасин миллий мустақиллигимиз.


В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.











(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бу онлар... Кимлар етди, кимлар етмади. Кимлар бошин тикди дор оғочига, кимларнинг ёқаси қонга беланди, чидади аёзу тор қафасига. Мустақиллик, деди улар ўлар чоғда ҳам. Ўзлигимни беринг, деди Усмон. — Бағри қон, халқ тўлқиндир — унинг қудратига ишониб ўтди Чўлпон. Орият қурбони бўлди Қодирий... Улар етмади тилакларига. Аҳол, халқига насиб қилди шундай кун!

Майдоннинг ўнг ёғидан сўл томонига «Улуғ ипак йўли» бўйлаб карвонлар қўнғироғини жаранглатганча аждодларимиз — Тўмарис, Спитамен, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, алп бобокалонимиз Амир Темур ўз навкарлари билан, ўзбекнинг улуғлиги тимсоли Улуғбек ўз алломалари билан, шеърият султони Низомиддин Мир Алишер ғурур ила нор туяларда аҳли халқни буюк мустақиллик билан муборакбод этиб тавозе билан ўтадилар.

Эркинлик тимсоли — оппок кабутарлар камалакнусха нурлар торига қанотларини чархлайди. Карнаю сурнайлар овози дилларни қитиқлайди, меҳмону мезбонлар ажиб сурур оғушида. Туркия билан Чин, Покистону Ҳиндистон, Америкою Олмония элчихоналарининг вакиллари, русу қозоғу тожик, қирғизу туркман, тотору мулот — барча-барчаси бугун танти ўзбекнинг азиз меҳмони. Мустақиллик майдони узра куй ва қўшиқлар таралади.

Бош саҳнада етакчи профессионал жамоалар, болалар ва ҳаваскорлик дасталари, Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси аскарлари, жаҳон чемпионатлари ва олимпиада ғолиблари ва иштирокчилари, талабалар, ўқувчилар, шунингдек вилоятларнинг вакиллари иштирокида катта оммавий театрлаштирилган томошалар бошланди. Унда М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат халқ рақс дастаси, М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» ашула ва рақс дасталари, Ўзбекистон Республикаси миллий давлат Телерадиокомпаниясининг «Тановар» дастаси, Шаҳбоз Низомиддиновнинг ШОУ гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев, Бобомурод Ҳамдамов ва бошқалар байрамга файз киритдилар.

...Байрам либосига бурканган майдон бўйлаб байроқдорлар саф-саф бўлиб ўтади. Мустақиллик нашъасини жужукларимиз ҳам биздан кам туйишмайди. Уларнинг рангоранг либослари, ширин каломларида — табрик. Бошлари узра ҳур Ўзбекистоннинг ялови озод ҳилпирайди. Азим Тошкентнинг мактаб ва билим юртлари ўқувчию талабалари сархил матолардан гулгун шакллар ясаб, байрам тантанасига файз қўшиб турибдилар.

Баҳайбат шарлар кўкка кўтарилди. Уларга «Ўзбекистон», «Мустақиллик», «Тинчлик», «Ҳамкорлик» деган сўзлар ёзилган. Ҳарбий қисм вертолётлари Ўзбекистон байроқларини хилпиратганча майдон узра парвоз этиб ўтдилар. Шундан кейин Ўзбекистоннинг энг жасоратли парашютчилари 5 минг метр баландликдан ерга сакраш машқини намойиш этдилар.

МУСТАҚИЛЛИК майдонида бошланадиган тантана олдидан бу ерга серқуёш диёримизнинг энг муътабар ва ҳурматли отахонлари, меҳнат фахрийлари, жуда кўп корхоналарнинг илғор ишчилари кириб кела бошлашди. Улар орасида атоқли давлат арбоби, меҳнат фахрийси Нуриддин Акромович Муҳитдинов ҳам бор эди. Биз отахонни улуғ айём билан муборак этдик.

— Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қалбида узоқ йиллар сақланиб қоладиган жуда ҳам катта шодиёнали кун. Барча юртдошларимизни мана шу кун билан чин қалбдан муборакбод этаман. Биз узоқ асрлар мобайнида орзу қилган мустақилликка эришган эканмиз, ана шу эркинликни менинг тасаввуримда яхши бошқаряпмиз. Бир йилнинг ичида жуда кўп арзигулик ишлар амалга оширилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида давлат байроғимиз хилпираб турибди. Жаҳоннинг 121 мамлакати бизни таниганлиги жуда катта гап. Бундан буён тараққиётга эришишимиз учун биринчи навбатда катта тарихимизга назар солишимиз, ундан ибратли жиҳатларни ўзимизга сингдиришимиз ва эртанги кун сари ғоятда оқиллик ва донолик билан қадам босишимиз лозим. XXI аср яқинлашиб келмоқда. Биз бу асрнинг чинакам эгалари бўлмоғимиз учун аввало жипслашувимиз, ҳозирги замон билимларини янада пухта эгаллашимиз ва ўзимизнинг халқ хўжалигимизни янада тараққий эттиришимиз лозим. Яна бир бор байрамларингиз муборак бўлсин!

Катта тантанага келаётган вилоятларнинг вакиллари орасида қашқадарёликларни учратиб қолдик. Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигининг бош чўпони Чўлимурод Беркоев шундай деди:

— Мен туркман фарзандиман. Ўзбекистонда туғилиб, вояга етганман. Шу диёрда меҳнат қиламан. Мен ишлаётган хўжалик юртимизнинг тўкинчилиги учун меҳнат қилиб келмоқда. Биз давлатга кўплаб гўшт ва қоракўл тери бериб туribмиз. Бугунги мустақиллик байрамига келганлигимиздан ғоятда фахрланаман. Жуда яхши тайёргарлик кўрилган. Бутун Ўзбекистоннинг бу улуғвор майдонда мужассам бўлиб турганлигини кўриб турибман.

Тантанага келган ҳурматли отахонлардан бири Мирзаназар Мансуров. У киши Сирдарё вилоятидаги 37-механизациялашган кўчма колоннанинг бинокори. Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида қийинчиликларни енгиб, жасорат кўрсатган бу отахон ҳозирда ҳам бунёдкорлик меҳнати билан банд. У ўзининг 40 йилдан зиёд меҳнат фаолияти мобайнида Сирдарё вилоятида минглаб уй-жой бинолари ва кўплаб иншоотларнинг қад кўтаришида қатнашган.

— Энди замон навқирон авлодимизники, — дейди у. — Мустақилликка эришган эканмиз, бундан буён қиладиган ишларимиз кўп. Одамлар учун уй-жойлар куришимиз ва иқтисодиётимиз учун кўплаб замонавий корхоналарни ишга туширишимиз керак. Уларни юзага келишида ёш авлод кўп меҳнат қилади, деган умиддаман.

Бугун Тошкентнинг Бош майдонида Фарғонаю Хоразм, Бухорою Самарқанд, барча вилоятларнинг санъат усталари маҳоратларини намоён этиб, байрам руҳига руҳ бағишламоқда. Дорбозлар дор ўйнаб, ҳофизлар соз ростлаб, раққосалар хиром айлаб барчанинг дилини шод этмоқда.

...МАЙДОН узра бир зум сокинлик таралади. Саҳнага мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов йўл олади. Меҳмонлар ва мезбонлар, халқ вакиллари юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашаётган йўлбошчини самимий олқишлайди.

Юртбошининг каломида эл ғами: «Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик». Ислом Каримов бироз ҳаяжон, айни пайтда мағрур оҳангда асрлар оша мустақилликка нурга интилгандай интилиб келган жафокаш халқига қутлов нутқи сўзлайди.

... Осмонни гумбурлатиб мушаклар ёрилади, мавж унинг ранго-ранг жилолари билан безанади, кўнгилларда завқ ва ғурур жўш уради. Байрам руҳи билан йўғрилган майдон узра мустақиллик фахрияси янгради.

Ярим кечагача давом этган байрам тантаналари Мустақиллик майдони оша оммавий халқ сайлига айланиб кетди.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Уктам МИРЗАЕРОВ,
ЎзА мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами куни муносабати билан қизғин саломларимиз ва самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, келгуси йилларда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик янада мустаҳкамланади. Бу дўстлик ўтган йили сизнинг ташрифингиздан кейин яна ҳам кўпроқ ривож топди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сизга чин дилдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Шанкар Дайал ШАРМА
Ҳиндистон Республикасининг Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни муносабати билан сизни ва дўст ўзбек халқини шу байрам билан астойдил қутлайман. Давлат мустақиллигини қўлга киритиш ва чинакам демократик жамият қуриш йўлида бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатлари тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида ривожланаверишига ишонаман.

Ҳурмат билан,
Молдова Республикасининг Президенти Мирча СНЕГУР.

* * *

МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни муносабати билан сизни ва бутун Ўзбекистон халқини шу байрам билан самимий табриклайман. Ҳамиша шундай шодиёна ва осойишта кунлар бўлишига тилакдошман.

Республикангизда амалга оширилаётган ўзгартишлар бундай тилак билдиришимга асос бўлади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда сизнинг доно раҳбарлигингизда қилинган ишларни кўп йиллар давомида амалга ошириб бўлмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил, деб эълон қилиниши — ўзбек халқи тарихига асрлар бўйи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган воқеадир. Биз сизни мустақилликнинг асосчиси ва қаҳрамони деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасининг раҳбарияти ҳамиша бўлганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга эътибор билан қарашига ишонамиз.

Биз яхши қўшничиликни ва қардошлик муносабатларини боболаримиздан мерос қилиб олганмиз. Шу дўстлигимиз абадий бўлсин.

Ўзбеклар диёри ҳамиша осойишта бўлишини тилайман!

Ҳурмат билан.

Муҳаммад ОМОН,
Афғонистон Ислом давлати Бош консулхонасининг биринчи котиби.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ ҚАРОР ҚИЛАДИ...

● 1991 йил 26 сентябрда пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархлари оширилди. Умуман, олганда, кейинги икки йилда амалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларига харид нархлари жиддий равишда оширилди. Биргина пахтанинг харид нархи 6 баравар ошди.

● Октябрь. Тошкентдаги Мустақиллик майдонида қуриладиган «Озодлик» обидасининг энг яхши лойиҳаси учун очиқ танлов ўтказилади. Танловнинг дастури ва шартлари, шунингдек, танлов ҳайъати ва маслаҳатчилар кенгаши таркиби тасдиқланди.

● 1992 йил январь. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ва республиканинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмларидан бирининг негизида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия бригадаси тузилди.

● Март. Хорижий мамлакатлар билан жамоатчилик алоқалари фаолиятини жамлаш ва тартибга солиш, ягона сиёсатни шакллантириш ва халқ дипломатиясини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмаси тузилди. У чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқа «Ватан» жамияти негизида вужудга келди.

● Июнь. Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, республика ижодкор зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг таклифлари қабул қилинди. Шунга кўра, атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидович Рашидов туғилган кунининг 75 йиллиги кенг нишонланади.

● 1992 йил 30 июлда Самарқанд шаҳрида мустақил Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражи ўйналди.

Ўйингача икки миллиард сўмлик заём облигациялари сотилди. Ютуқлар орасида 2 минг сўмдан 250 минг сўмгача «соврин»лар бор эди.

Заём ўйинлари республика бюджетига 10 миллиард сўм фойда келтириши мўлжалланмоқда.

1992 ЙИЛ АВГУСТ ОЙИ ОХИРЛАРИДА МДҲ АЙРИМ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ШАҲАР БОЗОРЛАРИДАГИ НАРХ-НАВО ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

(бир килограммига сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Минск	Олмаота	Бишкек	Ашгабат	Киев
Мол гўшти	85-00	320-00	220-00	150-00х/	100-00	85-00	110-00	300-350
Қўй гўшти	120-00	355-00х/	265-00	140-00	105-00	95-00	100-00	250х/
Тухум (ўн донасига)	30-00	43-00	44-00	25-00	25-00	—	30-00	—
Сариёғ	—	276-00	300-00	180-00	230-00	180-00	—	—
Қаймоқ	100-00	140-00	180-00	100-00	200-00	110-00	—	—
Картошка	10-00	32-00	30-00	18-00	16-00	10-00	15-00	30
Янги карам	11-00	40-00	28-00	22-00	8-00	10-00	15-00	30
Пиёз	5-00	42-00	32-00	18-00	12-00	7-00	12-00	50

х/ Чўчқа гўшти

1992 ЙИЛ АВГУСТ ОЙИ ОХИРЛАРИДА МДҲ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ШАҲАРЛАРИДА ДАВЛАТ ВА КООПЕРАТИВ САВДОСИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

(сўм ҳисобида)

	Ўлчов бирлиги	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Минск	Олмаота	Бишкек	Душанбе	Киев
Озиқ-овқат маҳсулоти:									
Мол гўшти (1 тоифа)	кг	60-00	85-00	90-00	52-00	99-00	—	—	100-00
Қўй гўшти (1 тоифа)	кг	60-00	90-00	100-00хх/	80-00хх/	87-00	61-00	—	—
Пиширилган колбаса	кг	80-00	150-00	120-00	60-00	155-00	65-00	98-00	—
Сариёғ	кг	130-00	190-00	190-00	120-00	219-00	165-00	160-00	200-00
Усимлик ёғи	кг	10-00	46-00	62-00	72-00	87-00	71-00	50-00	22-00
Пастеризация қилинган сут	литр	4-00	12-00	11-00	6-00	13-00	2-50	5-50	13-00
Қаймоқ	кг	50-00	70-00	60-00	34-00	74-00	52-00	60-00	—
Творог	кг	37-00	53-00	48-00	18-00	53-00	28-00	30-00	—
Тухум	ўнта	25-00	25-00	31-00	26-00	22-00	18-00	32-00	—
Қанд-шакар	кг	15-00	65-00	71-00	42-00	60-00	66-00	72-00	70-00
Чой	кг	80-00	310-00	230-00	240-00	172-00	—	—	350-00
Биринчи нав ун	кг	6-00	13-40х/	25-00х/	16-00	—	—	—	50-00
Биринчи нав буғдой нон	кг	5-00	13-00	16-00	9-00	3-00	—	—	9-00
Макарон, вермишель, рожки	кг	9-00	—	35-00	22-00	35-00	30-00	17-00	88-00
Гуруч	кг	15-00	43-00	37-00	54-00	11-00	35-00	25-00	—
Ароқ	0,5 л	98-00	121-00	155-00	100-00	121-00	—	97-00	—
Ош тузи ва «Экстра»	кг	2-90	38-00	4-50	8-00	6-00	3-00	8-00	—
Картошка	кг	6-00	20-00	26-00	29-00	16-00	9-00	10-00	22-00
Пиёз	кг	4-50	20-00	23-00	20-00	16-00	7-00	—	23-00
Помидор	кг	4-00	—	35-00	39-00	10-00	4-00	7-00	19-00
Янги карам	кг	2-50	14-00	17-00	19-00	5-00	5-00	—	18-00
Бодринг	кг	7-00	—	22-00	21-00	18-00	8-00	7-00	—

х/ олий нав
хх/ чўчқа гўшти


ЎЗБЕКИСТОН—БУЮК ДАВЛАТ



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Tabani GROUP OF COMPANIES





«ТАБАНИ ГРУП ОФ КАМПАНИЗ» ФИРМАСИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ЖАНОБ ШАВКАТ ЮЛДОШЕВНИ ВА УЛАР ТИМСОЛИДА БУТУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ МУҲИМ САНА —ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ

Бу нурли байрам буюк Бобур ва Темурнинг табаррук, қадимий ерида яшаётган халқнинг мустақиллик ҳамда янгиланишга бўлган интилишининг рамзидир.

Биз жаноб Ислом Каримовни Покистонга қилган биринчи сафари билан ҳам табриклаймиз. Мустақил Ўзбекистон вакилларининг Покистон Мустақиллиги куни байрам қилинаётган бир пайтда мамлакатимизга келиши икки дўстона халқ алоқаларининг ёрқин саҳифасига муҳрланди.

Ўзбекистон ва Покистоннинг мустақиллик, демократия ва озодлик йўли гуллаб-яшнасин ва тараққий этсин.

Манзилгоҳимиз: 700100, Тошкент шаҳри Ивлев ва Катта Миробод кўчаларининг бурчаги, 158.
Тошкентдаги телефонлар: 54-06-70, 54-06-49, 54-07-98, 55-35-49.
Факс 540830.
Телекс 116416 TBANI SU.

Бошқарувчи
Муҳаммад Аббос Хон.

Tabani GROUP OF COMPANIES

ОФТОБ қайси мамлакатдан чиқса, ўша жойнинг барча тоғлари ва текисликларига баробар нур сочади. Истиқлол ҳам алоҳида гуруҳлар ва синфлар мезони билан чекланиб қолмайдиган, балки, ҳар бир мамлакатнинг барча миллатлари ва фуқароларига баробар нур сочадиган офтобдай улуғ қадриятдир.

Қуёш ўз атрофидаги сайёраларни бирлаштириб, яхлит тизимга айлантиради, улардаги ўзаро жозиба кучи ёрдамида ҳаммасининг мустақил орбита бўйлаб сокин мувозанат билан аниқ ҳаракат қилишига имкон беради. Истиқлол ҳам қайси мамлакатга насиб қилса, унинг халқини яхлит миллат шаклида бирлаштиришга ва бошқа миллатлар орасидан муносиб ўрин топиб, тинч бир мувозанат билан тараққий этишига имкон яратади.

Қуёш нури ётган жой унинг манзили ҳисобланади. Бугун Ўзбекистон мустақиллигини 120 дан ортиқ давлат тан олган, демак, жаҳоннинг шунча кўп мамлакатида ўзбек миллий истиқлолининг мўътабар манзили пайдо бўлди. Ўзбекистонга ном берган миллат ўз қадрини билганлиги учун жумҳуриятимизда яшаётган бошқа ҳамма миллат ва элатларни қадрлайди, собиқ Иттифоқнинг мустақил давлатларга айланган жумҳуриятлари билан ҳамкорлик қилиб, тинч-тотув яшайди. Турли қитъаларда бизни тан олган хорижий мамлакатларнинг халқлари ҳам бугун бизнинг дилимизга беҳад яқин туюлади. Чунки, Ўзбекистонни астойдил севадиган ва унинг озодлиги учун жон куйдирадиган ҳар бир элдошимизнинг қалбида жаҳон тан олган истиқлолимизнинг миллий манзили бордир.

Аслида истиқлол қуртаклари аввал миллат манфаати учун курашган кишиларимизнинг дилини манзил қилган эди. Бошқа асрларни қўяйлик. Шу йигирманчи асрнинг ўтган ўн йилликларига назар ташласак, уларнинг барчасида миллий мустақиллик ғоясини дилига жойлаб яшаган мард, фидойи элдошларимизни кўрамиз. Мустамлака зулмидан изтироб чеккан Фурқат ва Завқий нажот илму маърифатда эканини ҳис қилиб, халқни жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилган эдилар. Илк уйғониш даврининг фарзанди бўлган Абдулла Қодирий эса ўн олти ёшида «Миллатимга» деган шеър ёзиб, тарқоқ ҳолда ўзаро низолар гирдобида яшаётган халқни яхлит миллат бўлишга ва илғор халқлар қаторидан ўрин олишга ундаган эди. Ўзбек миллий руҳининг энг обод манзилларидан бири Чўлпон ижодида кўринади. Унинг 1919 йилда ёзилган «Ўзбегим» шеърида ўзбек миллатининг маърифат отига минган даврлари тасвирланади.

«Дунёда ҳамма халқ қизиққан гавҳарден бебаҳо от эди», деб мустақил давлат бўлган замонларимизда Улуғбек ва Навоий каби буюк аждодларимиз минган маърифат отини эслайди. Шоир элдошларига қарата дейди:

«Ўзбегим, охирда минибсан
Чарчаган бўлса-да, отингга.
Тангрига шукр қил, юрабер,
Кўз солиб ўнгингга, чапингга».

Орадан саксон уч йил ўтган бўлса ҳам, бу шеърдаги миллий оҳанглар бугунги истиқлол руҳига мос жаранглайди.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон маърифатнинг гавҳардек бебаҳо отига қайта миниб, яна жаҳон миқёсига чиқаётган давр энди келди. Шу муносабат билан миллийлик ва умуминсоний қадриятлар бирлигига оид янгича тафаккурни эгаллаш бениҳоя муҳим аҳамият кашф этади.

Собиқ иттифоқнинг ҳукмрон мафкураси миллатлар ва тилларни қўшиб юборишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилар экан, буни байналмилаллик деб кўрсатишга интилди. Аслида, бу кичик миллатларни битта катта миллатга сингдириб, уни янада каттароқ ва қудратлироқ қилишга қаратилган улуғ давлатчилик сиёсати экани бизга кейин маълум бўлди. Бу сиёсатни фақат сўз ва тарғибот билан амалга ошириш амри маҳол бўлгани учун сталинчилар қрим татар, чечен, қорачой, балқар, қалмиқ каби кўпгина халқларни ёппасига ватанларидан бадарға қилдилар. Уларни миллат сифатида бутунлай йўқ қилишга қаратилган шафқатсиз сиёсат ўнлаб йил давом этди. Бироқ миллийлик шундай зўр қудрат эканки, жаҳонни титратган тоталитар тузумнинг етмиш йил давом этган қатағонлари юқорида тилга олинган миллатларнинг бирортасини ҳам йўқ қилиб юбора олмади. Чунки ягона тил ва миллий руҳ билан яшайдиган катта-кичик ҳар бир халқда атом ядросининг қудрати бўлади. Атомнинг мағзидаги қудрат ўн йиллар давомида сарфланса ҳам тамом бўлмайди. Фақат ёмон гуруҳлар атом ядросининг қувватидан бузғунчилик йўлида фойдаланишларига йўл қўйилмаса бас.

Ҳозир Кавказда ёки Югославияда беҳад кўп қонли фожеаларни келтириб чиқараётган сабаб—миллий ўзликни уйғотиш натижасида пайдо бўлган атомдай зўр кучлардан ёвуз мақсадларда фойдаланишнинг оқибатидир. Бироқ атом қудратини тинч мақсадларга йўналтириш мумкин бўлгани каби, миллий уйғонишлар қудратини ҳам яхшиликка томон буриш мумкин. Юқорида биз тилга олган жабрдийда қрим татарлар, қалмиқлар, балқарлар ва бошқа кўпгина миллатлар минг тўсиқлар ва хатарларни енгиб ўтиб, тинч йўл билан ўз ватанларига қайтганлари фикримизнинг далилидир.

«Геноцид» деб аталадиган миллатқушлигининг одамзод тарихда мисли кўрилмаган барча даҳшатларини собиқ иттифоқнинг кўпчилик халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам бошидан кечирди. Ҳатто қайта қуриш даври бошлангандан кейинги 1985—88 йилларда ҳам Дидоренко каби марказдан келган генераллар ўзбек халқининг кўзга кўринган энг нуфузли фарзандларини миллатчиликда айблаб йўқотиб юборишга яна бир ҳаракат қилиб кўрдилар, яна буни «байналмилалчилик» ниқоби билан хаспўшладилар.

Риёкорликни қарангки, собиқ иттифоқнинг ҳукмрон мафкураси араб миллатчилигини «миллий озодликка ёрдам берган ҳаракат», деб ёқлади. Ҳиндистонда М. Ганди ва Ж. Неру бошчилик қилган ҳаракат ҳам «ҳинд миллатчилиги» (индийский национализм) деган атамалар билан улуғланди. Аммо ўзбек халқининг асл фарзандлари ўз миллатини салгина улуғласа ёки ҳимоя қилса, ленинча-сталинча мафкура худди ўша «миллатчилик» сўзини дарҳол қоралаш, сўкиш ва қатағон қилиш қуролига айлантирди. Бу иккиюзлама мунофиқ сиёсат ёрдамида қанчадан-қанча миллатпарвар, мард кишиларимиз бевақт ҳалок этилди.

Бугун истиқлол қуёши порлаб турган пайтда биз уларнинг руҳи олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Энди умуминсоний қадриятларни миллийлик билан уйғунлаштириш масаласига келсак, тараққийпарвар халқлар бунинг йўлини аллақачон қашф қилганини баралла айтишимиз керак. Ҳозир жаҳоннинг энг нуфузли ташкилоти бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини кўз олдингизга келтиринг. Унинг бутун фаолияти фақат алоҳида миллатларни қадрлаш йўли билан умуминсоний ҳамжиҳатликка эришиш мумкин эканини исботлаб турибди. Чунки, ҳар қандай умуминсоний қадриятнинг асосида миллий қадриятлар ётади. Шекспир, Навоий, Бальзак, Лев Толстой каби улуғ даҳолар умуминсоний юксакликларга ўз миллий тиллари ва миллий руҳлари ёрдамида кўтарилганлар.

Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани ва унинг биноси олдидаги байроқлар сафида жумҳуриятимиз байроғи ҳилпираб тургани бизда миллий ғурур туйғусини уйғотади. Аслини олиб қарасангиз, бу ғурурнинг таркибида теран байналмилал ҳиссиёт бор. Бу ҳиссиёт бизнинг жаҳон халқлари даврасида ўз ўрнимиз борлигини сезишдан ва бу даврани астойдил эъзозлашимиздан келиб чиқади.

Тўғри, биз ҳали илғор миллатлардан кўп нарсани ўрганишимиз керак. Уларнинг вакиллари орасида ҳам ўзаро курашлар, зиддиятли нуқтаи назарлар, турли манфаатлар тўқнашуви оз эмас. Лекин бундай кураш ва тўқнашувлар ватан ва миллатга зиён етказадиган нуқтага борганда ватанпарвар кишилар қалбида гўё йўлни тўсувчи қизил чироқ ёнади. Ватанга ва миллатга зиён етказиш—ўз миллатини севган чин инсон учун энг оғир жиноят ҳисобланади. Шу жиноятнинг жарига қулаб тушмаслик учун курашувчи томонлар ўз дилларига нақшланган қуйидаги хитобларга дарҳол қулоқ соладилар:

Аввал ватан!
Аввал халқ, миллат!

Ана шу қалб хитоби таъсирида ватанпарвар одам дилидаги миллий манзилга зиён етказмасликка интилади. Бунинг учун баъзи бир ширин иззат-нафсдан ёки шахсий манфаатдан воз кечади, низо йўлидан қайтиб, муросага келади. Шу тарзда миллатнинг ички бирлиги таъмин этилади. Ахир, ҳар биримиз яқинларимизга меҳру оқибат кўрсатишдан ташқари, ўз миллатимизга нисбатан меҳру оқибатли бўлишимиз керак-ку!


Ана шунда дилимиздаги миллий манзиллар бир-бирига туташиб, енгилмас кучга айланади. Ана шунда бизнинг ҳар биримиз бошқа миллат ҳузурига ўз миллатимизнинг мўътабар вакили бўлиб бора оламиз.

Бутун жаҳонда ва ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбида доим бор бўлсин истиқлолимизнинг миллий манзиллари!


Пиримқул ҚОДИРОВ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИСТИҚЛОЛНИНГ МИЛЛИЙ МАНЗИЛЛАРИ



1. 2. 3.



● СУРАТДА: (ўнгда) Ш. Воҳидов «Венера» сайёрасидан муваффақиятли ерга туширилган қурилма ҳақида ҳамкасбларига ахборот бераётган пайт.

СИРЛИ ОДАМЛАР «СИРИ»

БУНДАН ўн йилча муқаддам Марказқўмда биринчи котибнинг телефони кутилмаганда жиринглаб қолди. У Москвадаги учишни бошқариш марказидан эди.

— «Венера»-13» ва «Венера-14» космик кемалари «Зуҳра»га муваффақиятли қўниб, биз кутган жисмлардан намуналарни олиб, анализ қилиб ерга жўнатди.

Биринчи бир неча сония сукутда қолди. Кейин ёш болалардек севинчини ичига сиғдиролмай, ўрнидан туриб кетди.

— Табриклайман... катта ғалаба билан... Бу ўзбек халқининг коинотни ўрганишга, ўзга сайёраларни тадқиқ этишга қўшган катта ҳиссасидир... Қачон қайтмоқчисиз? Бугун?... Жуда соз, тўғри менга учрашсангиз, илтимос.

— Албатта, шундай қиламан, Шараф Рашидович.

Тошкент машинасозлик конструкторлик бюроси бош конструктори Шавкат Воҳидов билан Ш. Рашидов суҳбати узоқ давом этди. Марказқўм котиби илгари Мирих (Марс) сайёрасига учирилган Ер йўлдошининг муваффақиятсизликка учраганидан ҳам яхши хабардор эди. Коинот олими Биринчининг ўзини оддий тутиши, камтарлигидан фойдаланиб, ҳаяжонга берилмасдан жуда кўп муаммоли масалаларни ўртага кўндаланг қўйишга улгурди. Коинотда материалларни синтез (элементлардан мураккаб бирикмалар ҳосил этиш) қилиш, Қуёш атрофида жойлашган сайёралардаги жисмларни тадқиқ этиш, янги радиотелескопларни ишлаб чиқариш ва қуришнинг ечимлари юзасидан олимнинг ғайриоддий таҳлиллари Биринчига жуда маъқул тушди. Гап илмий тадқиқотларнинг амалийлиги хусусига бориб тақалганда Шараф Рашидов дарров сергак тортди-да:

— Бундан халққа қандай наф тегади? — деб сўраб қолди.

— Синов базасининг қурилиши келажакда Ўзбекистон учун жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлади,—деди олим. — Вилоятлардан бирида радиотелескоп бунёд этилишининг аҳамияти тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат унга сарфланадиган маблағ ва энг зарур материаллар тўғрисида гапиришдан олдин менга шахсий варақамга ёзиш шарти билан қаттиқ партиявий ҳайфсан беришингизни сўрайман.

Минглаб одамлар билан суҳбатда бўлган республика раҳбари жазо беришни илтимос қилган бундай кишини учратмаганидан чеҳрасида ажабланиш аломати пайдо бўлди. Буни пайқаган бош конструктор тезда изоҳ бера бошлади.

— Синов базаси учун фақат металлнинг ўзидан беш минг тонна, радио телескоп учун 150 миллион сўмга яқин пул керак бўлади. Мен шунча маблағни сарф қилиназагига «айбдор» бўлганим учун ҳам олдиндан хайфсан берилишини сўраётгандим.

Рашидов қаршисида ўтирган ўрта ёш, истараси иссиқ, сочлари оппоқ, кичик жуссали, фан доктори, профессорга меҳр билан тикилди-да:

— Сиздақанги довюрак фан заҳматкашига хайфсан эмас, мукофот бериш керак, — деди ва ёрдамчисини чақириб, зудлик билан Москвага унинг номидан шифрограмма жўнатишни буюрди.

Шундай қилиб, синов базаси қурилиши бошлаб юборилди. Сайёралардаги конструкторлик бюроси изланишлари маҳсули бўлган қурилмалар фанга янги-янги ечимларни туҳфа қила бошлади. Лекин Москвадаги айрим корчалонларга ўзбек олимларининг муваффақияти ёқиқирамас, шу боис пировард натижаларга тошкентликлар дахлдорлиги камситиб кўрсатилар ёки қизғин тажрибалар палласида уларни яқинлаштирмасликка ҳаракат қилишарди. Шундай кезлар яна Шараф Рашидов аралашуви заруратга айланиб қоларди. У Сиёсий бюрога ҳам, Иттифоқ Фанлар академиясига ҳам, Мудофаа вазирлигига ҳам қўнғироқ қилиб, истеъдодли юртдошларини турли тазйиқлардан ҳимоя қилар, конструкторлик бюросининг истиқболли келажагига ишонган ҳолда бу соҳада кўндаланг бўлган ҳар қандай масалага ойдинлик киритмагунча тинмай-тинчимасди. Бир куни олим ишга кўмилиб ўтирганда махсус почта ходими унга катта конверт тутқазди. Конвертни очдию Биринчининг имзо дастхатини дарров танди. Унда шундай дейилган эди:

«Венера» сайёрасини илмий тадқиқ қилиш тўғрисидаги хушхабарни чуқур ҳаяжон билан кутиб олдим. Бу космосни тинчлик мақсадларига хизмат қилдиришдаги совет фани ва техникаси эришган ажойиб ютуқдир.

Яна шуниси қувончлики, Сизнинг жамоангиз томонидан лойиҳаланган, тайёрланган ва «Венера-13», «Венера-14» автоматик станцияларга ўрнатилган қурилма сайёрадаги қаттиқ қотишмаларни пармалашда, намуналар олиб, уни текшириш учун аппарат орқали ерга узатишда муваффақиятли ишлади.

Азиз ўртоқлар, космосни ва космик технологияни ўрганишда, севимли Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда Сизларга янги зафарлар, паҳлавонларча соғлиқ тилайман.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби
имзо Ш. РАШИДОВ.

Яна бир куни уни Марказқўмга чақириб қолишди. Хонага кирганда бюро аъзолари ва фан учун жонини фидо қилишга тайёр турган, лекин номлари очиқ-ошкор айтилмайдиган, матбуотда суратлари чиқарилмайдиган «сирли» олим ва мутахассислар ўтиришарди. Ш. Рашидов бош конструкторини бағрига босиб, меҳрибонона табриклади-да, унга Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» юксак унвони нишонини топширди. Маросим тугагач, уни ва ҳамкасбларини яширин эшикдан кузатиб қўйишди. Чунки улар ҳамма нарсадан воқиф бўлишга интиқ турган журналистлар «қўлига» тушмаслиги шарт эди.

Шавкат Воҳидов ўз ҳамкасблари билан чуқур илмий-тадқиқот олиб бораётганда ҳам. Марказдаги баҳс-мунозаралар пайтида ҳам республика раҳбаридан маънавий қарздорлигини унутолмасди. Чунки Ш. Рашидов бюро ишига энг кўп мадад қўлини чўзган, қурилаётган иншоотларни энг кўп бориб кўрган ва энг ҳўб маслаҳатларни берган инсон эди. У кўпинча гапининг охирида: «Сизлар Мирзо Улуғбекдек бобомизнинг ворислари бўлишингиз керак» деган ниятни айтишни яхши кўрарди.

...Кейинчалик иш бир юришиб, бир ўнгига босолмай турди. Республикамиз мустақилликка эришди-ю жуда кўп нарсаларни тарозида қайта тортиб кўришга тўғри келди. Энди озод Ўзбекистон учун физикадек аниқ фан, космик асбобсозлик соҳаси, фазода фойдаланишга мўлжалланган нурланишни қайд қилувчи ўзига хос қурилмаларнинг зарурати борми? Сунъий Ер йўлдошларига эга бўлишимиз мамлакатимиз обрў, мавқеини белгилашда муҳим роль ўйнамайдими каби саволлар ўз жавобини кутаётган эди. Бунинг устига собиқ совет республикалари мустақилликка эришгандан кейинги вазият конструкторлик бюроси фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмаганди. Сал илгари бюро жамоаси ишлаб чиққан «Силав-01», «КЛ-02», «Бирюза», «Анализ» қурилмалари «Салют» ва «Мир» орбитал станцияларида совет ва чет эл фазогирлари томонидан муваффақиятли синовдан ўтказилган эди. Россия ФА Астрофизика олий билимгоҳи жамоаси билан ҳамкорликда «Спектр-р» типидаги йирик габаритли радиотелескоплар лойиҳаси устида иш олиб борилаётганди. Яқиндагина «Прогресс» юк кемасидан ажралиб чиққан «Мир» орбитал станциясидан ер атмосферасини тадқиқ қилиш учун учирилган катта ёрқин метеор Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон мутахассислари изланишлари маҳсули эди. Самарқанд осмонида доира шаклида пайдо бўлган бу «учар юлдуз»ни фазогирлар кузатиб, телевизион техника ёрдамида аксини ерга узатдилар. Буларнинг ҳаммаси тинчлик мақсадларига хизмат қилдирилаётганини тушуниш қийин эмас. Хўш, айни пайтда шундай ва шунга ўхшаш қурилмалар устида ишлаш керакмикин? Ахир, улар учун жуда катта маблағлар талаб қилинади-ку?

— Агар коинотни аваллаб-асрашимиз зарур бўлса керак, — дейди тўрт академиянинг аъзоси Ш. Воҳидов, — коинот дегани эса бу—радио, телевидение, алоқа демакдир. Музликлар, қор қўчкилари, ер силкинишларини аниқлаш. Орол ва денгизларни назорат қилиш, бир сўз билан айтганда, экологияни асраш, демакдир. Кейинги вақтда бўлинмамиз космик техника ва технологияси ютуқларини халқ хўжалигида, хусусан экологияни назорат қилишда қўлланмоқдамиз. Масалан, биз яратган техника билан қор қўчкилари, сел хавфини олдиндан билиш мумкин. Бошқа қурилмаларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда хизмат қилмоқда. Тарвуздан шарбат, қовундан қиём, чорва моллари учун турли хил аралаш озуқа олинаётгани шулар жумласидандир.

Биз бош конструктор тимсолида умумий тарзда ёритиладиган шу соҳа кишилари ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдик. Унинг шогирдлари ҳисобланган 25 нафар фан номзоди, бешта фан доктори илмий изланаётганларини билиб олдик. Ш. Воҳидов яратган 60 ихтиродан ўз она юртимизда ва чет элларда муваффақиятли фойдаланишмоқда. Эндиликда Мустақил Ўзбекистон учун, унинг равнақи учун мазкур соҳа кишиларининг бошини қовуштирадиган Агентликни ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, «сирли», ажойиб одамлар бунинг ҳам уддасидан чиқишади.

Абдунабй МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкентское конструкторское бюро машиностроения Минобщемаша

Главному конструктору
товарищу Вахидову Ш.

Секретарю партийной организации
товарищу Худайберганову Т.

С глубоким волнением воспринял весть о замечательном достижении советской космической науки и техники в мирном освоении космоса - проведении исследований планеты Венера.

Отрадно и то, что спроектированное и изготовленное Вашим коллективом грунтозаборное устройство, установленное на автоматических станциях "Венера-13" и "Венера-14", успешно произвело бурение, взятие пробы и ее транспортировку для анализа в герметический отсек спускаемого аппарата станции.

Желаю Вам, дорогие товарищи, богатырского здоровья, новых успехов в создании устройств для изучения космоса, космической технологии, укрепления обороноспособности нашей любимой Родины.

Секретарь ЦК Компартии
Узбекистана Ш.Рашидов

УЛАР ШУ КУННИ ОРЗУ ҚИЛГАН ЭДИЛАР



Мунаввар ҚОРИ


Зиёли Миллат, Ватан нима эканини билур ва зиёли Миллат учун жонини, молини фидо этар, Миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, Миллат учун ўзини ҳалокат картасига ташламакка муҳайё бўлур.



Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Туркистон мухторият чилари дейдиларки, биз ерлик мухторият тилаймиз ва ҳам мунн эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокимизнинг тақсимини хоҳлайдурганларга бутун жон ва имонимиз нла муқобила қилурмиз...


Шундоқ билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса қон тўкмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур.



ФИТРАТ

...Ой, Туркистон мусулмонлари!

Тангри учун, Пайғамбар учун, Дин учун, Миллат учун келинг, бирлашайлук, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликлардан кўз юмайлик; ислом динининг бирничи буйруғи бўлғон қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлук, қўлни-қўлга берайлук; Ҳақ йўлинда, Дин йўлинда, Ватан йўлинда, Миллат йўлинда жадидимиз, қадимимиз, мулламиз, бойимиз ва авомимиз бир ерда тўпланайлик; бир-биримизга кўмакчи ва мададкор бўлайлук.



Абдулла ҚОДИРИЙ

Табиатнинг шундай ширин чоғида сурнай, карнай орқасидан ноғора чалиниб кетадир. Буларга қулоқ бериб ётасан, лекин кўп ёта олмайсан, тургинг, шуларга қўшилиб қувонгинг келадир.

Мустақиллик қурбонлари хотираси

ШАҲИДЛАР ҚОНИДАН ЛОЛАГУН МАЙДОН

НЕАЖАБКИ, бу майдон 130 йил муқаддам Туркистоннинг энг йирик мамлакатларидан ҳисобланмиш Қўқон хонлиги ҳукмдорларининг қароргоҳи — Ўрда деворларига туташиб ётади. Ўрда ўзларини Темурийлар авлоди деб ҳисоблаган Норбўтабийлар сулоласининг сўнгги вакили — Худоёрнинг тахтдан қулаши, генерал Скобелев бошчилигидаги рус истилочи қўшинларининг шаҳарга бостириб кириши, халқ қаҳрамони мулла Исҳоқ — Пўлатхон лашкарларининг русларга қарши олиб борган қонли жангларига гувоҳ... Худди ана шу Ўрда атрофларидаги замин она-Ватан ҳимояси учун Скобелев казакларига қарши чиққан шаҳидлар қони ила суғорилган.

Неажабки 1917 йилнинг кеч кузида Шарқда эълон қилинган дастлабки демократик давлат — Қўқон мухториятининг фидойилари ҳам худди ана шу Ўрда деворлари остида ўққа учдилар. Мустақил Туркистон давлатини тан олмаган большевиклар ва дашноқлар бу майдонни истиқлол курашчиларининг қони билан бўядилар...

Неажабки, бу фожиалардан сўнг 72 йил ўтгач, қўҳна Ўрда деворлари яна яродорлар ва ҳалок бўлаётганларнинг фарёдидан титраб кетди. Темурийларнинг сўнгги қароргоҳи узра яна ўқлар визиллаб учди. Яна истиқлол дея, Ватан ор-номуси, шоншарафи, дея бош кўтарганларнинг муборак қони тўкилди бу майдонга.

Ҳа, 1989 йилнинг қайноқ ёз кунлари Фарғона вилояти кўча ва майдонларига чиққан кишиларнинг аксарияти турк биродарларнинг уйларига ўт қўйиш, одам ўлдириш мақсадида чиқмаган эди. Вилоятда рўй бераётган биродаркушлик, бош-бошдоқсиз ҳаракатларга томошабин бўлиб турган ҳукуматнинг яроқсизлигидан қаҳр-ғазабга тўлган халқ худди шу кунлари ўзлигини англаган, фожианинг ҳақиқий айбдорлари, ташкилотчиларига қарши қўзғалган эди.

Фарғона тупроғи қонга бўялган, ёнаётган юзлаб уйлар алангасидан осмон ҳам қорайиб кетган ўша кунлари собиқ Иттифоқнинг 10 минг кишилик ички ишлар қўшинлари шаҳарлар ва қишлоқларни эгаллаб турар, аммо уйларга ўт қўйиб одам ўлдираётган бадкирдорлар йўлини тўсмас эди. Уларнинг қуроллари илк марта 8 июнь куни Қўқоннинг бош майдонида ишлатилди. Шиддат зобитлар ва аскарлар «қонсираган, қўлида ёнилғи тўла шиша идиш чангаллаган безорилар оломони»га эмас, балки, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб этиб чиққан, ўзбекларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан зўрланаётганига қарши норозилик изҳор қилган ватанпарварларга қарата ўт очдилар.

Неажабки, бу майдоннинг бир томонида ўтмишдаги мустақиллигимизнинг ғариб ёдгори — Қўқон хонлари Ўрдаси мунғайиб турар, иккинчи томонда эса тоталитар тузум тимсоли — шаҳар партия комитетининг салобатли биноси қад ростлаган эди. 8 июнь куни Қўқон шаҳри ва атроф районлардан келган минглаб одамлар ана шу икки бино оралиғидаги майдонга тўпландилар.

Бу ердаги ҳиёбоннинг йўлаклари ва майсазорлари, газли сув дўконлари атрофлари, айланма йўл ва шаҳарқўм биноси сатҳи ёш-қари эркак-аёл, турли тоифа кишиларга тўлиб кетган. Баҳайбат чинорларнинг шохларида ёш болалар симёғочлардаги қалдирғочлар каби терилган эди. Майдон атрофини эса жанговар зирҳли машиналарда келган аскарлар ўраб олишди. Уларнинг ўточар қуроллари жанговар ҳолга келтирилган, бир имога мактал бармоқлар тепки устида.

Йиғилганлар ҳузурига шаҳар раҳбарлари чиқишди. Митинг қатнашчилари вакиллари раҳбариятга халқ талабномаси битилган хатни топширишди. Унда шаҳарда ишсизликни тугатиш, уй-жойсизларга томорқа бериш, пахта ва пилланинг харид нархини ошириш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш каби халқ дилидаги гаплар ёзилган эди. Талабномада республика ва Иттифоқ раҳбариятидан ана шу долзарб муаммоларни ҳал этиш сўралган эди. Майдон аста мавжланаётган денгиздай сокин, кишиларнинг хатти-харакатларида ҳеч қандай жанговарлик сезилмасди. Бирдан автоматларнинг қора бўғизларидан олов тили отилиб чиқди. Беҳосдан тариллаган ўнлаб автоматлар товуши аввалига одамларни гангитиб қўйди. Улкан чинорлар шохларига чизилган болалар сочма ўқ теккан чумчуқлардай ерга таппа-таппа қуладилар. Кўз олдиларида қонга беланиб, ям-яшил майсалар устига қулаётганларни кўрган одамлар жон ҳолатда ўзларини турли томонларга уриб қоча бошладилар. Ўқлар уларни майдондан анча олисда ҳам таъқиб этар, етиб олар ва қулатар эди.

Қўқон таксомотор паркининг ҳайдовчиси Шуҳрат Олимов, «Текстильмаш» корхонаси ишчиси Абдумавлон Маҳкамов, Қўқон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми талабаси Алижон Бобожонов, Қўқон локомотив депосининг ишчиси Азизхон Деҳқонбоев, муштипар онанинг яккаю-ягона ўғли Мадаминжон Раҳматиллаев, икки фарзандниг отаси Қодиржон Нурматов ва бошқа фидойилар шу майдонда муқаддас истиқболимиз йўлида жон бердилар. Майдон ва атроф кўчаларда 17 кишининг жасади қолди.

Неажабки, мустақиллик байрами арафасида ҳам айрим зах, рутубатли бурчаклардан висир-висир, минғир-минғир гаплар эшитилиб қоляпти: мустақилликка осон эришдик, қон тўкмадик... Ҳой, қон тўкилишига орзуманда бўлган жаноблар! Пўлатхонлар, Дарвешхон тўра-ю Дукчи эшонлар, Номозлар ва 1916 йилда Жиззахда шаҳид кетганлар, муҳториятчилар ва мадаминчилар, Фитрату Чўлпонлар тўккан қон каммиди? Қўқонда, Тошлоқда, Паркентда мустақиллик йўлида тўкилган қонлар каммиди?

Қолаверса, Қўқонда тўкилган қон ҳисоб эмасми? Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, республикамиз Президенти Ислом Каримов **«Биз бу кунларга не-не қурбонлар бериб, неҳсиз меҳнат-машаққатлар эвазига эришдик»**, деганда минг марта ҳақдир.

Неажаб ва несаодатки, ота-боболаримиз орзу этган мустақиллик бизга насиб қилди. Халқимизнинг сабот-иродаси, ғайратшижоати Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли улуғ неъмат қўлга киритилди. Унинг шарофати туфайли Қўқон қурбонлари қони тўкилган майдон Мустақиллик деб аталди ва унда Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсий жамғармаси ҳисобидан ўша шаҳидлар хотирасига ёдгорлик тоши ўрнатилди.

Кўҳна Ўрда ўша куни яна қайта салобатли тус олгандек туюлди. Ўша куни Мустақиллик майдони узра шаҳидларнинг руҳлари шодон учган бўлса ажаб эмас. Биз шу кунларга етиб келмаганларнинг ёркин хотиралари олдида ҳамиша бош эгамиз.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бу ерда эл-юрт учун, адолат ва фаровон ҳаёт учун шаҳид бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
1992 йил июнь.



Акмал ИКРОМОВ

Халқимизнинг имкониятлари катта, тафаккури кенг, фарзандлари фақат эзгу ният билан яшайдиган ўғлону қизлардир. Шундай экан, биз эртанги кунимизни янада юксакроқ ва порлоқроқ тасаввур этишга ҳақлимиз.



Файзулла ХЎЖАЕВ

Ўрта Осиёдаги тараққийпарвар кишилар «жадид», реакция кучлари эса, «қадимийлар» деган ном билан юритиладиган бўлиб қолди. Гарчи, бу сўзларнинг асли арабча бўлса ҳам, аммо татарлар орқали кириб келди: «жадид» янги деган маънони, «қадимийлар» эски деган маънони билдиради. Шу тариқа ҳур фикр ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим группаларидан дастлаб Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқандда бир неча маданий-оқартув жамиятлари тарзида жадидлар ташкилоти вужудга келди.

Усмон ЮСУПОВ

Катта Фарғона қурилишида кўрсатилган буюк жасоратнинг ўзиёқ халқимизнинг нақадар буюклигини, уюшқоқлигини, меҳнатсеварлигини рўй-рост кўрсатиб турибди. Шундай ватандошлар билан фахрланмай бўладими?!



Йўлдош ОХУНБОБОЕВ

Снёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўзимиз ўзимизга эга бўлишимиз билан баробар, жумҳуриятимизни обод қилиш, хўжалик ва саноатимизни йўлга қўйиш, улардан келадиган ҳосилот ва унумларни баракали қилиш йўлида озмунча ҳаракат қилмадик.

Истиқлол бизга нима берди

ЎЗБЕКИСТОН — БОҒ-РОҒЛАР ЎЛКАСИ

● Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон — боғ-роғлар ўлкаси. Агар шимолдан жанубга ёҳуд ғарбдан шарққа сафар қилсангиз ҳамма жойда бепоён пахтазорлар-у, боғ ва узумзорларни кўриб баҳри-дилингиз яйрайди. Мириқишкор боғбон-соҳибкорларнинг қўли, қалб қўри билан барпо қилинган олмазорлар, қатор-қатор тизилган ток сўриларн, тог бағриларидаги қирларидаги ўсаётган писта-бодомлар ўлкамиз табиатининг чиройига чирой қўшиб турибди. Ўзбекистон қадим-қадим замонлардан ширинликда ва хушбўйликда тенгсиз олма ва ноклари, гилос ва олхўрилари, беҳи ва узумлари билан машҳур. Шу боис ўлкамизнинг бошқа бойликлари қатори унинг боғ-роғлари ҳам чор Россияси мустамлакачилари диққатини жалб этган. Эндиликда истиқлолга эришган Ўзбекистонда аҳвол қандай! Республикамизнинг бош боғбони, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик Маҳмуд МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз шу мавзуда борди.

— Неча-неча асрлар давомида кўпдан-кўп мева ва узум навлари турларини яратган халқ селекционерларининг меҳнати билан етиштирилган ажойиб неъматлар одамлар дилини хўшнуд этарди. Мустамлакачи чор Россияси амалдорларига ўз юртларига ташиб кетган олтин, пахта, қоракўл ва бошқа нарсалар камлик қилиб қолди. Улар боғ-роғларимизга ҳам кўз олайтиришди. Мева ва узумни ҳам ташиб кетиб бойлик орттиришарди. Ўша даврларда Малькин деган бўларди. Ўзи Петербургда яшарди-ю, бу ерда унинг пахта заводи бўларди. Катта-катта боғларни эгаллаб олганди. Красницкий, Политовский, Зах, Гривенколар эса Қибрай, Қовунчи томонлардаги боғ ва узумзорларга хўжайинлик қилишарди. Машҳур соҳибкоримиз Ризамат ота Мусамуҳамедов ҳам ўз фаолиятини Ивановнинг боғларида қароллик қилишдан бошлаганди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ҳам мевазор ва токзорлар беш-олти баравар кенгайди. Айниқса, узум етиштириш кўпайди. Ҳўраки, майизбоп ва винобоп йўналишларда узумчилик кескин ривожланди. Урушгача республикамизда 16 та вино заводи бўлиб, уларда асосан узум дастлабки қайта ишловдан ўтказилиб, винобоп материал сифатида марказий шаҳарларга жўнатиларди. У ерда эса тайёр вино, коньяк ва токнинг кўпгина навлари Ўрта Осиё, Кавказорти республикаларида кенг шуҳрат қозонди. Кўпгина кўргазмаларда олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди. Ризамат ота Мусамуҳамедов, Зайниддин Фахриддинов, Хидир бобо Ҳалилов, Фозил ота Сиддиқов сингари ажойиб боғбон ва соҳибкорлар ҳам етишиб чиқди.

Афсуски, ана шу олиму боғбон-соҳибкорлар етиштирган маҳсулотларнинг асосий қисми яна ўзбекларнинг ўзига эмас, бошқаларга насиб этди. Етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми марказга ва бошқа республикаларга арзимас сўмлар эвазига жўнатилди.

Агар урушдан илгари 3300 тонна қуруқ мева тайёрланган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 6500 тоннага етди. Майиз тайёрлаш эса 1940 йилда 5200 тонна бўлса, ҳозирга келиб 15 минг тоннага етди. Вино маҳсулотлари тайёрлаш ўшанда 1 миллион 900 минг декалитрни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб 6 миллион 700 минг декалитр вино тайёрланди. Консерва тайёрлаш ҳам ўсиб борди. Урушдан илгари 39 миллион шартли банка маҳсулот тайёрланган бўлса, 1990 йили 384 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарилди. 1990 йили 147 минг декалитр коньяк, 5 миллион 600 минг шиша шампань виноси тайёрланди.

— **Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир киши учун норма бўйича 76 килограмм мева-сабзавот тайёрлаш керак. Афсуски, одамлар йилига ўртача 35 килограммдан ана шундай маҳсулот истеъмол қилишяпти. Бу аҳволни яхшилаш мумкинми?**

— Албатта, мумкин! Аваламбор, маҳсулотларни четга чиқариш анча қисқарди. Қолаверса, боғу-узумзорларимиз кенгайиб, айни пайтда 400 минг гектарга етди. Шундан 180 минг гектари узумзорлардир. Ҳар йили 1,4 — 1,5 минг миллион тонна узум етиштирилмоқда. Йилига 30 минг гектардан янги узумзорлар барпо этиляпти. Ўзбекистон мева-сабзавотни қайта ишлаш ва виночилик концерни ихтиёрида 170 та ихтисослаштирилган колхоз ва совхозлар мавжуд. Уларда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда.

Устига-устак Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигига тобора барҳам бериб бориляпти. Зеро, қир-адирларда, тошлоқ ерларда пахта экиб, ундан 7—8 центнердан ҳосил олишнинг нима фойдаси бор? Энди ана шу ерларда боғ-роғлар, узумзорлар яратишга киришилди.

— **Истиқлол боғбон-соҳибкорларимизга нима берди? Улар Ўзбекистон мустақиллиги кунига қандай совғаларга тайёрлашмоқда?**

— Ҳозир гарчи аввалги йиллардагидан қимматроқ нархда сотилаётган бўлса ҳам дўконларимиз ва бозор пештоқларида маҳсулотлар сероб. Энг муҳими, истиқлол бизга эрк берди. Боғбон-соҳибкорларимиз бўйруқбозлик иллатларидан озод бўлишди. Энди уларга ҳеч ким фалон пайтда мевангни уз, фалон пайтда уни топшир, демайди. Маҳсулотнинг анча қисмини ҳўжаликларнинг ўзлари сотишлари мумкин. Аминмизки яқин келажакда Ўзбекистон ҳақиқий маънода боғ-роғлар ўлкасига айланади. Демак, халқимиз дастурхони мева-чевага тўкин бўлади.

Суҳбатдош:
Ш. МИРҲАБИБОВ.



БУ ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ ХОТИРАДА БИР УМР САҚЛАНАДИ


Мустақиллик бизнинг кўнгилли Қизил ярим ой жамияти ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатди ва унинг мақомини тубдан ўзгартирди. Жамиятнинг шу йил май ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари съездида унга мустақил миллий ташкилот мақоми берилди. Бу эса жамият Қизил хоч ва Қизил ярим ой Халқаро Федерациясига аъзо бўлишига тўла асос бўлади. Республика Президентининг «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги 28 майдаги Фармони нур устига нур бўлди. Жамият олий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришига қулай шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тарихи давомида давлат томонидан ҳеч қачон бундай ғамхўрлик кўрсатилмаганди. Илғор мамлакатлар йўлидан бориб, солиқ қонунчилигига ҳам ўзгартишлар киритилди. Жамият кўпгина турдаги солиқлардан озод этилди.

Республикамиз мустақилликка эришганлиги Халқаро Федерация, Қизил хоч халқаро қўмитаси ва чет эл миллий Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари билан бевосита алоқа қилиш имкониятини яратди.

Ҳозирги кунда бизга иқтисодий ва бошқа ёрдам бериш учун бошқа минтақалардан инсонпарварлик ёрдамлари келмоқда. Туркия Қизил ярим ой жамияти, Олмония Қизил хоч жамияти, Голландия, Япония, АҚШдан ана шундай ёрдам олинди. Уларнинг маълум қисми Оролбўйи аҳолисига жўнатилди.

Шу кунларда жамиятимиз олдида мураккаб вазифалар турибди. Жамоамиз ходимлари ўз олдида турган қийинчиликларни бартараф этабориб, жамият ишини халқаро миқёсга олиб чиқиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга соладилар. Халқаро Қизил хоч ҳаракатига муносиб ҳисса қўшадилар.

У. ВОҲИДОВА,
«Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти Марказий Қўмитасининг раиси.




ЧЎЛПОН

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!
Ҳуррият — байроғимиз,
Адолат — ўртоғимиз,
Ҳурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз!



Садриддин АЙНИЙ

Кўп жафолар чекиб зулм ичинда
Йиғладинг, йиғрадинг неча йил,
Музладинг намли зиндон тубинда,
Э, Адолат ўти, яшнагил!



Абдулла АВЛОНИЙ

Гулистон ўлди олам,
ҳар тарафда сайради булбул,
Асоратдан қутулди барча миллат, истаюр ҳур йўл,
Хазондан сақла, ё раб!
Истаюр миллат тиконсиз гул,
Етишмоқ муддаога илмсиз,
ҳайҳот, эрур мушкул,
Не меҳнатларни кўрдук,
ҳар қаю ағёр зулмидан.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

* Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди

* Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 121 ҳорижий давлат эътироф этди

* Дунёнинг 49 мамлакати билан элчихоналар доирасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди

* *Республикамизда 3 мингтага яқин қўшма корхона очилди*









Ушбу суратлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг бир қатор хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашувлари пайтида олинган. Бу мулоқотлар ниҳоятда самарали бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширди. (ЎзА).

Истиқлол одимлари

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси 1991 йил 16-20 декабрь кунлари Туркия жумҳуриятига расмий ташриф буюрди. Бу — Ўзбекистон раҳбарининг республика мустақилликка эришгач чет элга қилган биринчи сафари эди. Туркия орқали мустақил Ўзбекистонга расмий равишда жаҳон дарвозаси очилди.

● 1992 йил 16 март куни Тошкентда мустақил Ўзбекистондаги дастлабки элчихона — АҚШ элчихонаси очилди.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 121 ҳорижий давлат эътироф этди. Уларнинг 49 таси билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Республикамизда 20 та хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари рўйхатдан ўтган. Ҳозир Тошкентда ўнта чет давлатнинг элчихоналари ва Мўғулистоннинг Бош консуллиги ишлаб турибди.

● 16-17 февралда Теҳронда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси биринчи марта шу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қатнашди.

● 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Хельсинкига келди. У Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг якунловчи актига имзо чекди. Бу — Ўзбекистоннинг мазкур кенгаш аъзолари сафига расмий равишда қабул қилинганлигини билдиради.

● 2 мартда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилди. Бу қарор якдиллик билан маъқуллаш асосида овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди.

● 12-14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги делегация давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташриф давомида ХХР билан Ўзбекистон ўртасида 15 та муҳим ҳужжат имзоланди.

● 11-14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошлиқ давлат делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди. Делегация аъзолари Саудия Арабистони подшоси Фаҳд бин Абдул Азиз ал-Сауд жаноби олийларининг марҳамати ила Каъбатуллоҳнинг уйига кириб зиёрат қилиш ва намоз ўқишдек буюк ишга муяссар бўлишди.

● 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси аъзоликнинг барча шартларини бажаргани муносабати билан у Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкига қабул қилинди.

● 19-23 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошлиқ делегация давлат ташрифи билан Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияда бўлди. Бу сафар жумҳуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини яхшилаш йўлида муҳим босқич бўлади.

● 13-15 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошлиқ расмий делегация Покистон Ислом Республикасига ташриф буюрди. Уни, музокаралар натижасига кўра, самарали ва амалий, бениҳоя самимий ва тантанали учрашув бўлди деб таърифлаш мумкин. Бу ташриф дўст мамлакатнинг мустақиллиги кунига тўғри келди.

Ташқи ишлар вазирлигида

ЭЪТИРОФ

Бугун юртимизда шодиёна. 20 миллионли Ўзбекистон халқи Мустақиллик байрамининг бир йиллигини катта тантана билан нишонламоқда. Бундан ҳар бир кишининг кўкси ғурур ва фахр ҳисларига тўла, десак янглишмаймиз. Ҳа, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди, елкасидан мутеълик, тобелик бўйинтуруғи улоқтириб ташланди. Озодлик ва мустақиллик шабадаларидан тўйиб-тўйиб нафас ола бошладик. Энди унинг ўз эрки ўз қўлида, ўзига қарашли замони, дахлсиз осмони, еру-суви, хазинаю бойликлари бор. Уларни шу ўлка халқлари ўзлари истаганча тасарруф этиш эрки-ҳуқуқига эга бўлди.

БУГУНГИ КУНДА жаҳоннинг умумий сиёсий харитасида Ўзбекистон деган давлат ҳам алоҳида ажралиб туради. Чунки, унинг миллий байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг улуғвор биноси олдида ҳилпираб турибди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жанобларининг Осиё ҳамда Овропанинг қатор йирик давлатларига қилган сафари Республикамизнинг халқаро майдондаги сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада оширмоқда. Пировардида бугунги кунда мустақил Ўзбекистонни жаҳоннинг 121 давлати расмий равишда тан олди, уларнинг 49 таси билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар боғланди. Ҳозир Республикамизда 20 та хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари рўйхатдан ўтган. ГФР, Исроил давлати, Ҳиндистон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Италия, Англия, Бельгия, Покистон Ислом Республикаси, АҚШ, Туркия Республикаси, Франция Республикаси, Испания, Чехословакия, Янги Зеландия, Швейцария, Австралия, Мексика, Япония мамлакатлари шулар жумласидандир. Мазкур давлатлардан сўнгги олтитасининг ваколатхонаси Москвада бўлиб, уларнинг элчилари ўриндошлик асосида Тошкентда ҳам фаолият олиб борадилар. Ҳозир Тошкентда 10 хорижий давлатнинг элчихоналари ва Мўғулистоннинг Бош консуллиги ишлаб турибди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа Хавфсизлиги ва ҳамкорлиги кенгаши, Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгаши, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида чет эл делегациялари вакиллари билан тез-тез учрашувлар бўлиб турибди. Биргина июль ойининг ўзида Республика Ташқи ишлар вазирлигида Франция, Япония, Эрон, АҚШ, ГФР, МДҲ, Швейцария, Руминия, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг турли даражадаги ҳайъатлари ва БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссарлиги ҳамда мазкур халқаро ҳамжамиятнинг Тараққиёт дастури делегациялари қабул қилинди. Бундан ташқари июль ойида вазирликда 74 нафар чет эллик журналист қабул қилинди. Улар «Ви Экономик», (Франция), «Тайм» (АҚШ), «Сандей Экспресс» (Буюк Британия), «ОРФ» (Австрия), «Си-эн-эн» (АҚШ) телекомпанияларининг вакилларидир. Шунингдек, вазирликда чет эллик мухбирларга рухсатномалар бериш тадбирлари ҳам бошлаб юборилган. Ҳозирга қадар Францияннинг «Либерасьон», Туркиянинг «Заман», Россия Федерациясининг «Торговая газета» нашрлари ва «Интерфакс» ахборот агентлигининг мухбирлари рўйхатдан ўтдилар. Бу тадбир давом этмоқда.

Мустақил Республикамиз Ташқи ишлар вазирлиги янги услуб, замон талабида малакали фаолият олиб бориш учун дастлабки дипломат кадрларини ҳорижий мамлакатларга юборган эди. Улар Туркия, Буюк Британия ва Ҳиндистонда ўқишиб, муайян малака ва тажрибага эга бўлиб қайтдилар.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, Республика Ташқи ишлар вазирлиги мустақил республикамизнинг жаҳон миқёсида фаол иш олиб бориш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

У. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири.

АГАР Ўзбекистоннинг кейинги бир йиллик тарихига назар ташласак, халқаро ҳуқуқ доираларида анча ишлар қилинганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Олий Кенгашнинг мустақиллик сари қонун қабул қилиш бўйича дастлабки ижодий иши 1990 йилнинг 24 мартидан бошланган эди. Шу куни «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ўша куни Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг ҳақиқий биринчи Президентини — Ислом Абдуғаниевич Каримовни Президент этиб сайлади. Зеро, шу аснода Олий Кенгаш республика ҳукуматининг демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ўзгартишларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш борасидаги дастурини ҳам маъқуллади.

Орадан бироз вақт ўтгач, Ўзбекистон мустақиллигини акс эттирувчи, иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди, улар шу кунларда мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол сари дадил одим ташлашига хизмат қилиб келяпти.

Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарори бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнат жамоаларининг мустақил хўжалик юритишини, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ва таъминлашда катта аҳамият касб этди. Ана шу қонунга биноан иқтисодни бошқарувда республика талаб ва манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда катта ўзгаришлар рўй берди. Бунинг пировардида қатор вазирликлар ўрнида концернлар ва уюшмалар вужудга келди, республика Марказий иқтисодий органлари, ишга жойлаштириш хизматлари ислоҳ қилинди.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳарбий қурилиш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот масалаларини ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эди. Бу борада Республика Президентининг 4 сентябрь 1990 йилдаги «Республика ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ва Ички ишлар вазирлиги ва республика давлат хавфсизлиги комитети, шунингдек собиқ СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларини Ўзбекистон тассаруфига ўтказиш тўғрисидаги Фармонлари катта аҳамиятга эга бўлди. Юқоридаги Фармон билан 1990 йилнинг кузидан бошлаб жумҳуриятимиз йигитларини Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига чақиришни тўхтатиш белгилаб қўйилди, шунингдек тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг биродарларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш таъқиқлаб қўйилди. Шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлганларнинг оилаларига жумҳурият маблағи ҳисобидан қўшимча нафақа тайинланди...

ШУНДАЙ қилиб, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар, яъни 31 август 1991 йилгача республикада хавфсизликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун қонунчиликнинг етарли имконияти вужудга келган эди. Қабул қилинган қонун ва фармонлар мустақиллик сари ривожланиш йўлини ҳам белгилаб берди. Ундан кейин ҳам қатор қонун ва фармонлар қабул қилиндики, буларнинг ҳаммаси республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашга, бозор иқтисодиётига ўтишга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга, бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келяпти.

Мустақиллик йўлидаги қонунчилик ва ҳуқуқшуносликдаги ривожланишга баҳо берар эканмиз, бу борада Республикамиз Президентининг хизматини айтмай илож йўқ. Гап унинг давлат ва ҳукумат қонун ва фармонларига имзо чекишида эмас, балки Ўзбекистон халқи И. А. Каримовга энг қийин ва оғир пайтда ўз кемаси чамбарагини бошқаришни ишониб топширганида. Умумхалқ ва муқобил сайловларда сайловчиларнинг 86 фоизи якдиллик билан унга овоз бердилар. И. А. Каримов эса бу ишончни тўла оқлаб келяпти. Мустақиллик йўлидан сабр-матонат билан бораётганлигини у халқаро анжуманларда, республика парламентида, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида, меҳнат жамоалари билан бўлган учрашувларда бир неча марта исботлади.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши унинг давлат бошқаруви ва ташқи алоқалар соҳасидаги тизимларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади, албатта. Жумладан, Республика Ташқи ишлар вазирлигининг янги тизим бўлинмалари вужудга келди. Хизматчилар сони янада ортди, чет элларда эса биринчи маротаба Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ўз ишларини бошлади, республика дипломатлари учун дипломатик даражалар ва тоифалар белгиланди ва ҳоказо. Ташқи алоқаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида божхона қўмитаси, ташқи иқтисодий фаолиятнинг уйига кириб зиёрат қилиш ва намоз ўқишдек буюк ишга муяссар бўлишди.

● 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси аъзоликнинг барча шартларини бажаргани муносабати билан у Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкига қабул қилинди.

● 19-23 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошлиқ делегация давлат ташрифи билан Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияда бўлди. Бу сафар жумҳуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини яхшилаш йўлида муҳим босқич бўлади.

● 13-15 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошлиқ расмий делегация Покистон Ислом Республикасига ташриф буюрди. Уни, музокаралар натижасига кўра, самарали ва амалий, бениҳоя самимий ва тантанали учрашув бўлди деб таърифлаш мумкин. Бу ташриф дўст мамлакатнинг мустақиллиги кунига тўғри келди.

Айрим кишилар бу ерда ташқи муносабат ва ҳалқаро ҳуқуқнинг нима кераги бор, дейишлари мумкин, албатта. Йўқ, биз келтирган мисоллар эса айнан шунга тегишли. МДҲ давлатлари ўртасидаги муносабат — бу мустақил давлатлар ўртасидаги муносабатдир ва бу халқаро ҳуқуқ доиралари асосига қурилиши МДҲ мамлакатлари битимлари ва шартномалари мазмунидан келиб чиққан бўлиши керак. Энг муҳими, фақат тегишли ҳужжатларни имзолаш эмас, балки уларнинг бажарилишини қатъий таъминлашдан иборат.

Хуллас, мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг бир йиллигини жуда ҳам яхши ва қулай ташқи сиёсий муҳитда, жаҳон ҳамкорлиги сари дадил қадам ташлаган ҳолда қарши олди.

Билъакс, бунга ички ижтимоий, сиёсий барқарорлик, тартиб-интизом, сиёсатда изчиллик, раҳбарларнинг иқтидорлиги, меҳнаткаш ва жафокаш халқимиз томонидан Президентимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамоҳанг бўлади, деб ўйлаймиз. Эртанги порлоқ келажак учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, фидокорона меҳнат қилишимиз, ишлашимиз, ўқишимиз, ўқишимиз керак.

БИЗНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН БИЛАДИ



ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ АСОСЧИСИ ВА ҚАҲРАМОНИ ИСЛОМ КАРИМОВ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ!

Анвар АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси.



МУСТАҚИЛЛИК МУШОИРАСИ

ВАТАН, ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК БЎЛСИН, БУЮК БАХТ-ИҚБОЛИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Жамол КАМОЛ

ЯШАМАСМИ?

Бир йил яшаган жон яна
юз йил яшамасми?
Манзилга етаркан, яна
манзил яшамасми?

Тарқалди ғамим, бўлди мурод
гулшани ҳосил,
Кўк узра Қуёш порласа,
ҳосил яшамасми?

Ер бизники, кўк бизники,
юрт бизники бўлди,
Инсон боласи юртига
масъул яшамасми?

Бос илгари, руҳингдаги
занжирни улоқтир,
Эрсан-ку, йигит руҳида
дулдул яшамасми?

Озода қизим, ҳур яша
ҳур ўлкада сен ҳам,
Ҳар тоза малак кўксида
кўнгил яшамасми?

Юз очди жаҳон бизга,
Ватан даврага тушди,
Зебо санамим даврада
гул-гул яшамасми?

Эл ичра севинч созини чал,
яйра, Жамолим,
Зоғлар яшаган боғчада
булбул яшамасми?...

Ҳусниддин ШАРИПОВ

НАШИДА

Сен жаҳонга кулиб боққан кўзимсан,
Одамзодга ифтихорли сўзимсан,
Онам бўлиб ардоқладинг кафтингда,
Ўзлигимни танибманки, ўзимсан.

Ўзбекистон, баҳри дилим, бўл омон,
Отамерос тотли тилим, бўл омон.
Ўзбекистон, тенглар аро тенг Ватан,
Тенглар аро, ўзбек элим, бўл омон.

Қардош учун обиҳаёт наҳринг бор,
Душманларни кул қилгудай қаҳринг бор.
Замин туққан, Оташларда тобланган
Тақдиринг бор, тарихинг бор, фахринг бор.

Ўзбекистон, баҳри дилим, бўл омон,
Отамерос тотли тилим, бўл омон.
Ўзбекистон, тенглар аро тенг Ватан,
Тенглар аро, ўзбек элим, бўл омон.

Бағринг олтин, уфқинг ўхшар ёлқинга,
Офтоб доим ҳамхонадир халқингга.
Байроғингда Ҳуррият ва ҳақиқат,
Сафардасан, етгайсан ўз ҳаққингга.

Ўзбекистон, баҳри дилим, бўл омон,
Отамерос тотли тилим, бўл омон.
Ўзбекистон, тенглар аро тенг Ватан,
Тенглар аро, ўзбек элим, бўл омон.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

ХАЛҚИМГА

Кўзингда кўрсаму мунгдан бир зарра,
Бахтинг тўкис, дея солар бўлсам жар,
Кечирма, кечирма, кечирма сира,
Ярай олмас бўлсам корингга агар.
Улуш бўлолмасам муҳаббатингга,
Нафратинг нафрат деб этмасам талқин,
Меҳрингни дариғ тут, кўм нафратингга,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим.
Сен дала бағрида куймаланган жон,
Ҳаловат нелигин унутган юрак.
Йил сайин ортади уйганинг хирмон,
Ортар бўлишларинг бедор, жонҳалак.
Мен шу бедорликдан бўлмасам бедор,
Қуёш ушларсансан, изласам салқин,
Бекор, бекор, менга инсонлик бекор,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим.
Сўзингни айтмаса бордир не маъно
Мен учун мўътабар, суюк қаламдан?!
Ўзинг берган эдинг, айлай қол жудо,
Сенга у агарда боқса баланддан.
Давр кўтаролмас авжи шастликни,
Давр юраклардан сўрайди ёлқин.
Байроғим билмасам ҳақни, ростликни,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим.
Сарин шабадаси юзга тегувчи
Истиқлол сафоси ўзига чорлар.
Рўйхатларда бўлсин «юртим» дегувчи,
Рўйхатларда бўлсин номуси борлар.

Муҳтарама. ТУРКОЙ

ТЎҒРА ЎТИНГ

Турон аҳли, сиз ҳам тўғра ўтингиз,
Учун орзиларнинг совуқ қаҳ-қаҳи.
Рўшнолик — туркийлар қазиган денгиз,
Аждарнафсларнинг йўқ унда ҳақи.
Манқуртликнинг жирканч қабоси ёнсин,
Ирғитмоқлик пайти келди пок тандан.
Руҳавзо наводан юраклар қонсин,
Зиллатни қувингиз туркий Ватандан.
Ойсиз кечаларни ойлатган-ку турк,
Дунёни лол этган туркона шуур.
Асрий саҳроларни сойлатган-ку турк,
Дилларда не учун кўкармас ғурур!
Алп Эр Тунга номин қўшиб онт ичинг,
Мутеликни кўминг бекафан гўрга.
Итоат кишанин оёқдан ечинг,
Ризқ бўлманг ўткинчи ҳар битта зўрга.
Зулмат дарвозасин заинглаган зулфин
Озодлик лашкари янчсин беомон.
Ўзбек — туркларининг очингиз қулфин,
Ғафлат уйқусидан қалқсин Туркистон.
Латиф тонг еллари ҳайдасин дудин,
Илоҳи, бу Турон замин гулласин!
Гадомас, султони бўлинг ҳур юртнинг,
Абад Сизни уйғоқ руҳлар қўлласин.

Саъдулла ҲАКИМ

ҲИДОЯТ

Талашадур меҳроб
меърожин,
Чоҳ устида ҳар турли ғоя.
Узинг менинг тахт ила
тожим,
Менга сенинг сўзинг кифоя.

Кўзимдаги нури ҳидоят
Сен лутф этган олий иноят.
Мардумимдир муқаддас оят,
Йўлдан оғсам, кўзинг
кифоя.

Бир дон кўрсам, қўшшалаб
тердим,
Ул бирини қумрига бердим.
Ҳашамларга сотмасман
эрким,
Сочган ризқу рўзинг
кифоя.

Узни нетиб ипакка ўрай,
Уздан кетиб ипакка ўрай,
Элга етиб ипакка ўрай,
То акси ҳол, бўзинг кифоя.

Сендан — амр, мендан —
ижобат,
Сендан — ваҳий, мендан —
ибодат.
Узинг — ният, ўзинг —
саодат,
Узинг — ҳилқат, ўзинг
кифоя!

Тоҳир ҚАҲҲОР

ОЛҒА БОС, АСКАР

Ўзбек ўғлонмиз,
Турк, мусулмонмиз,
Юз милён жонмиз,
Оллоҳу Акбар,
Олға бос, аскар!
Миллат ўзимиз,
Давлат ўзимиз,
Уммат ўзимиз,
Оллоҳу Акбар,
Олға бос, аскар!
Келди чоғимиз,
Ҳур тупроғимиз,
Юрт байроғимиз,
Оллоҳу Акбар,
Олға бос, аскар!
Турк қўрқув билмас,
Юртдан чиқилмас,
Байроқ йиқилмас,
Оллоҳу Акбар,
Олға бос, аскар!
Жон Ўзбекистон,
Қалқон Туркистон,
Шон, жаҳон — Турон,
Оллоҳу Акбар,
Олға бос, аскар!

Зоҳиджон ОБИДОВ

МУСТАҚИЛЛИК АЛЁРИ

Жўшинг, дўстлар, юрт эркидан — дилда ифтихор,
Мустақиллик нашъасидан кўнгиллар баҳор.
Бу кунларга неча аср бўлгандик ҳумор,
Иқболимиз кулганига ҳаволан, гулёр,
Истиқлолнинг шарафига янгра, эй алёр!
Қайтиб келди бизга дини Ислом шуъласи,
Дилга сурур, тенгсиз ғурур бахт ашуласи.
Бўлди барбод истиқболнинг қора шубҳаси,
Минг шукурки, истибдоднинг даврони бекор,
Истиқлолнинг шарафига янгра, эй алёр!
Ой юлдузли байроғимиз бошда — фахримиз,
Тамғамизда Хумо қуши, кенгдир бағримиз.
Эл билан тенг Зоҳиджон дер тинчлик — нақлимиз,
Иншоолло, равнақимиз кўргизар дийдор,
Истиқлолнинг шарафига янгра, эй алёр!

АВЖЛАНАВЕР АРДОҚДА

Эсавер эй, мусаффо Мустақиллик шамоли,
Нафасинг наврўздек соз яшнагай юрт жамоли.
Ташрифинг қутлуғ бўлсин, зафарга тўлуғ бўлсин,
Кулфатдан фориғ бўлсин, ортиб ўлкам жамоли.
Оқ йўл сенга хуш айём, Мустақиллик даврони,
Азмингда машаққат кўп, эмас курашдан ҳоли.
Мустақиллик, журъат бер, ҳар бир покиза дилга,
Жаҳонга таралсин боз ўзбек аҳлин камоли!
Етар парокандалик, етар мутелик они,
Қаддинг кўтар ,ўзбегим, келди юрт истиқлоли.
Зоҳиджон, эл билан тенг янгратгил хуш тарона,
Яшнасин ўлка бўйлаб Мустақиллик ниҳоли.

Мирпўлат МИРЗО

ОЗОД ВАТАН МАРШИ

Ўтди қанча замонлар,
Бағрингдан оқиб қонлар.
Озод Ватан бўлдинг сен,
Муборак бу давронлар.
Шу кунларга етай деб
Шаҳид кетди ўғлонлар.

Бағрингда кулсин қуёш,
Кипригингга олма ёш.
Сафларимиз мустаҳкам,
Энди ёвга эгма бош.

Сен жаннатсан азалдан,
Чаманларинг сўлмасин.
Фарзандларинг ҳеч кимга
Ҳеч қачон қул бўлмасин.
Ожиз қолсанг жангларда,
Темур руҳи қўлласин.

Бағрингда кулсин қуёш,
Кипригингга олма ёш.
Сафларимиз мустаҳкам,
Энди ёвга эгма бош.

Довруғ тарат дунёга,
Ўзни танитмоқ чоғинг.
Қалбингдаги диёнат —
Суянган метин тоғинг.
Ер юзида тоабад
Ҳилпирасин байроғинг.

Қалбингда кулсин қуёш,
Кипригингга олма ёш.
Сафларимиз мустаҳкам,
Энди ёвга эгма бош.



Истиқлол таронаси.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Азим СУЮН

ИСТИҚЛОЛ ҲАҚҚИ

Эй, Оллоҳнинг Расули! —
Сўрдилар пайғамбардан, —
Мазлумга бер тасалли
Ва мумкин ҳар дам ёрдам.

Биздан золимга аммо
Қандай имдод бўлғуси!

Не қилсак унинг, илло,
Кўнгли, қўнжи тўлғуси!»

Пайғамбаримиз дедн:
«Барингиз умматимсиз.
Лекин зулм соҳибин
Қўлларидан тутингиз!»

Ўтди йиллар, асрлар,
Муҳаммад сўзи вожиб,
Қалқди мазлум насллар —
Саркаш ўзбек авлоди!

Ақллар чироғи-ла
Бекилди зулм йўли.

Расулиллоҳ ёдн-да
Тутилди золим қўли!

Энди, майли, эй, халқим,
Қулоқ осма сўзимга,
Аммо Истиқлол ҳаққи
Фақат боғлиқ ўзингга!!!

ЧОРШАЪМ

ЧОРЛОВ

Тонг отмайин йўлга чиқайлик,
Сафаримиз қариган бизнинг.
Эрк нурига тўйиб ювайлик
Йиллар бўйи юмилган кўзни.

Ҳушёр тортсин сезги, шуурлар,
Оёқларга мадорлар тўлсин.
Еришолмай турганлигидан
Тонг ўзи ҳам уялиб ўлсин.

Шунча ғафлат босганн етар,
Томирда қон мудрамас мангу.
Аждодларнинг руҳи уйғотар,
Бедорликлар бизларга фарз-ку.

Мўлжал чеку-чегара билмас,
Дов-довонлар ошайлик энди.

Оғир карвон бўлиш эп келмас
Қамровни кенг олайлик энди.

Узингга ўз, кўзингга кўз бўл,
Келди айни англаниш вақти,
Уйғон, жонлан, қўзғал, кучга тўл,
Эй, илиги бутун юрт аҳли!

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ШУКРОНА

Оллоҳ, оллоҳ, самолардан садо келди,
Ғамли элим юрагига зиё келди,
Уйғон, Турон, дея ўтлиғ нидо келди,
Шукр, шукр, юртим, ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

Биродаринг кўргин дея тоғлар тизди,
Сени йўқлаб денгиз оша қавминг сузди,
Пешонангга том ЭРКнинг туғин чизди,
Шукр, шукр, юртим, ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

Замонларки, забонбандга забун ўлдинг,
Заринг бериб, золимлардан зулки кўрдинг,
Маломатлар қўрғонида бағринг тилдинг,
Шукр, шукр, букун ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

Қабоҳатнинг узун қўли узилди-ей,
Тилгинамнинг қафаслари бузилди-ей,
Қамрон элим ёғийлардан жуз ўлди-ей,
Шукр, шукр, юртим, ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

Зангласин-да қиличлари қинларида,
Улинг минсин тулпорин тўй кунларида,
Эл билмасин етимлик минг-мингларида,
Шукр, шукр, юртим, ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

Қалб қоним-ла Истиқлолнинг ёздим номин,
Ватан, Сенга сўзмас, тутдим меҳрим жомин,
Қабул айла фарзандингнинг дил омолин,
Шукр, шукр, юртим, ҳурлик муборак,
Турки Турон, мангу бирлик муборак!

НИЛУФАР

ЖОНУ ЖИГАРИМ

Ўзбекистон Ватаним маним,
Суюклигим, жону жигарим,
Тупроғингда улғайди таним,
Қазом етса пахтанг кафаним.

Аждодларинг мағрур, тўқ ўтган,
Олтин қовуш, зарбоб тўн йиртган,
Дилни ўртар куй, ғазал битган,
Ибодату имонда кетган.

Мерос бўлди кўп тарам-тарам,
Ўзгаларга бўлдик хўп қарам,
Гар сўзласам тирналиб ярам,
Кўргим келмас ўзимни шу дам.

Совуқ шамол эсди сен томон,
Не-не ҳоқон эзди кўп замон,
Кўксинг узра қатба-қат армон,
Зулук бўлиб сўрди қон-дармон.

Ўзлигингдан айирди қайғу,
Карахт қилган эди кўр уйқу,
Кўзларингга қўнмоқда парҳу,
Энди ризқинг териб е мангу.

Пок сутингнанг оғзингда оппоқ,
Устингдаги кўйлагинг қуроқ,
Адак-чечак қилсанг қўрқиброқ,
Йўлинг ёқар раҳмдил ОЛЛОҲ.

Дадил босгил қадаминг, гўдак,
Зарбн олис ерга етгудек,
Элинг дўппи тикмоқда сергак,
Тўнинг чоки тиллали нпак.

Бизга ХУДО яқиндир бирам,
Ўтганлардан ўтармиз, эркам,
Сен онамсан, отам ҳам болам,
Кунлар келар ҳуррам ва бекам.

Истиқлолли Ватаним маним,
Суюклигим, жону жигарим,
Тупроғингда улғайди таним,
Ўлсам агар пахтанг кафаним.

МОҲИГУЛ

ТИЛАК ТАБРИК

Юртим, бошингдаги бўронлар тинсин,
Қуюнлар тортмасин энди қўлингдан.
Адолат қуёшинг мангуга кулсин,
Эркинлик поёндоз бўлсин йўлингда.
«Оқ олтин» қора деб, «ўзбекнинг ишн»,
Малъун кимсаларга қурол бўлмасин.
Ҳадиксиз яшасин энди ҳар киши,
Кўмилган ҳақиқат энди ўлмасин.
Ўзбегим, бировга нон бериб туриб,
Порахўр номини энди олмагин.
Кимгадир борингдан иморат қуриб,
Узинг чорраҳада уйсиз қолмагин.
Елкангдан босмасин энди ташвишлар,
Эгилган қаддингни рост тутгин энди,
Шукрким, тугамиш энди у қишлар,
Истиқлол тонгини сен кутгин энди,
Юртим, бошингдаги бўронлар тинсин,
Қуюнлар тортмасин энди қўлингдан,
Адолат қуёшинг мангуга кулсин,
Эркинлик поёндоз бўлсин йўлингда.

Халқим, талошларининг бағрида йитган,
Эрк қушн қўлингга қайтгани ростдир.

Азиз фарзандларинг қони-ла битган,
Истиқлол сўзини айтганинг ростдир.

Халқим, қоронғилик бағридан энди
Балққан қуёшингни булутлар тўсмас.

Армон ёмғирлари мангуга тиниб,
Ёруғ йўлларингда ғам-алам ўсмас.

Бугун сўзларимда хуш ниятлар бор,
Навоий тилида айтарман тилак.

Хушбахтлик қайғуни этганда инкор,
Севинч йўлларида югурар юрак.

Барибир буюксан, яланғтўш халқим,
Барибир ёнингда ожиз забоним.

Сен, ахир, ҳеч кимга айтмаган дардим,
Энг мағрур маконим — Узбекистоним!

• *Акс-садо*

ҚАЕРДАСИЗ, МЕНИНГ МАДОННАМ?



*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 22 АВГУСТ, 1992 ЙИЛ

СУРАТДА: «Ўзбек мадоннаси» — Юлдузхон Хўжаева фарзанди Санджон Дадажонов билан бирга.

Н. РАҲМОНОВ олган сурат.

*



● Ўзбек мадоннаси... Боласини бағрига босганича, сийнасини тутиб турган она. Унинг юз-кўзларида оналик бахтидан мамнунлик ҳисси барқ уриб турибди. Гўзаллик ва иффат, соддалик ва меҳр-муҳаббат ўзига хос ўзбекона табиийлик билан уйғунлашиб кетган. Бу сурат 1937 йили Парижда бўлиб ўтган жаҳон кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлган. Ўзбек аёлининг сиймосини бутун жаҳонга танитган бу сурат.

БИЛСАНГИЗ, суратдаги бу сиймо илк оналик бахтига муяссар бўлган Юлдузхон Хўжаева эди. Юлдузхон ая ҳақида сўзлаганимизда гўё Фарғона санъатининг тарихи бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Ая ҳақиқий санъаткор, туғма истеъдод соҳибаси эди, фарғоналик минглаб санъат мухлисларини беихтиёр нафосатнинг нозик бўстонларига етаклаган табаррук зот бу. Келинг, яхшиси ўзбек мадоннасининг ҳаёт дафтари саҳифаларини озгина варақлайлик...

Болалигидаёқ Юлдузхоннинг ўткир кўзлари-ю ҳис-ҳаяжонида санъатга ошуфталик сезилиб турарди. Жажжи қизалоқ онаси Турсуной опанинг ёнига кириб, халқ қўшиқларини ўрганар, қўшиқлар унга қанот бахш этарди.

Дастлаб хотин-қизлар мактабида, кейинчалик билим юртида таҳсил кўрди. Ўқишда ҳам, ҳаваскорлик тўгарагига ҳам қатнашишини қўймади. Ўша пайтлари эндигина донг таратиб келаётган Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, довруқли Тамарахонимларга ҳавас қилади. Бахти чопиб, 1931 йили Юлдуз Хўжаева Фарғона шаҳар театрининг актрисаси бўлди. У ўз ижодий фаолиятини қўшиқчиликдан бошлаган эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Ҳайдаров, Ўзбекистон халқ артисти С. Аҳмедовлар устозлик қилиб, театр санъати сирларидан сабоқ беришди. Машҳур актёр А. Абдуловнинг отаси Г. Абдулов ўша йиллари Фарғонадаги рус драматик театрининг режиссёри эди. Юлдуз драматик актёр бўлиш санъатини ўша кишидан ўрганди.

30-йиллар охирларида саҳнага қўйилган «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасида Зуҳра образини яратган гўзал, иқтидорли актрисани кексалар яхши эслайдилар. У Юлдуз Хўжаева эди! Кейинчалик Хўжаева «Фарҳод ва Ширин»да — Ширин, «Шоҳсанам ва Ғариб»да — Шоҳсанам, «Нурхон»да — Нурхон, «Нодира»да —Нодира, «Бой ила хизматчи»да — Жамила каби қатор образларни маҳорат билан ўйнади. Бу роллар томошабин олқиши ва ҳурматига сазовор бўлди. Юлдуз Хўжаева саҳнада 100 дан ортиқ роллар яратди. 1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида ҳам фаол иштирок этди. Ўша даврдаги фидокорона меҳнатлари учун ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Юлдуз Хўжаева госпиталларда, лагерларда, ҳарбий қисмларда бўлиб, ўзбек ўғлонларига таскин берувчи, уларни жанговарликка ундовчи, ватан ҳимоячиларини шарафловчи қўшиқлар куйлади.

Юлдузхон ая етти фарзандниг онаси. «Ўзбек мадоннаси» суратида бутун меҳр қўрини бағишлаб, бағрига босиб турган болажони Саиджон Дадажонов ўсиб, улғайди. У ҳозирги пайтда Фарғона давлат университетининг тарих-музика факультетида кафедра мудири, тарих фанлари номзоди, қизлари Тожихон ва Зумрадхонлар муаллима, Бахтигул тиббиёт ходими, Бахтиёржон-у, Ойбеклар шофёр, Мунисахон эса ишчи. 13 невара, 15 чевара момоларининг атрофида парвона.

Бундан икки йил бурун Фарғона вилояти жамоатчилиги илк санъаткорнинг 75 йиллик тўйини ўтказган эди.

— Ҳали қариликка ён бермайман. Халқим хизматига ҳамиша шайман, — деган эди ўшанда.

Ҳа, ая ҳали бардамлар. Шу кунларда у шогирдлари даврасида. Фарғона ип-газлама илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройидаги «Юлдуз» фольклор этнографик дастасига бош бўлиб турибди. Ўзбек халқ термаларини, унутилиб кетаётган халқ қўшиқларини мухлисларга ҳадя этяпти.

— Бу сурат қачон олинган эди? — сўраймиз аядан.

— 1937 йилнинг ёзида Марғилон шаҳрида, истироҳат боғининг ёзги театрида Акмал Пўлатнинг «Шоҳимардон воқеаси» спектаклини қўйган эдик. Спектаклда мен қаҳрамон қиз ролини ўйнар эдим. У пайтлар шунақа эди. Эмизикли боламизни саҳна ортидаги дугонамизга бериб, ўзимиз ижрога чиқиб кетаверар эдик. Танаффус пайтида йиғлаётган Саиджонни қўлимга тутқазишди. Саҳнадан тушиб, катта дарахт тагида унга кўкрак тутиб тургандим. Тўсатдан суратчи Макс Пенсон келиб қолди ва шу ҳолатни суратга олди. Менга раҳмат айтдида, кетаверди. Ҳатто отимни ҳам сўрамади. Кейинчалик бу сурат кўп жойларда эълон қилинди.

Юлдузхон ая шу кунларда ўзи бош бўлиб турган этнографик дастанинг қизлари билан мустақиллик байрамига бағишланган янги томошани саҳналаштиряпти.

Ўзбек мадоннасининг тақдири. Бу сиймода истиқлолга орзуманд минглаб Юлдузларнинг тақдири мужассамдек. Қандай бахтки, Юлдузхон ая 20-йилларнинг қийинчиликлари, қатағон даврлар сурони, уруш даҳшатлари каби қанчадан-қанча воқеаларни бошдан кечириб, қутлуғ кунга етиб келдилар. Сиз, бахтлисиз ўзбек мадоннаси! Авлодларингиз ҳам ана шундай бахтли бўлаверсин!

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

М. ИБРОҲИМОВА, «Олтин водий» газетаси ходими.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН САРФЛАШ УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР

УТГАН ЯРИМ ЙИЛ БЎЙИЧА БИР КУНДА

● Ўзбекистон Республикасида барча харажатлар бўйича 30,5 миллион сўм.

● 95,6 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

● Шу жумладан 52,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

● 16,1 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

● 209 ўқувчи ўринли умумий таълим мактаблари ишга туширилди.

● 48 ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилди.

● Шифохоналар 7 та ўринга кўпайтирилди.

● Амбулатория-поликлиника муассасаларига бир сменада 24 киши қатнайдиган бўлди.

САВДО ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТ

УТГАН ЯРИМ ЙИЛ БЎЙИЧА БИР ҚУНДА

● Ўртача товар оборати 205 миллион 9 минг сўмни ташкил этди.

● Шу жумладан, 106 миллион 604 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди.

● 98 миллион 405 минг сўмлик ноозиқ-овқат товарлари сотилди.

● 424 тонна гўшт ва парранда гўшти, 49 тонна колбаса маҳсулотлари, 43 тонна ҳар хил балиқлар, 50 тонна мол ёғи, 520 тонна ўсимлик мойи, 555 тонна қанд-шакар, 2 миллион 333 минг дона тухум сотилди.

● 28 миллион 819,3 минг сўмлик пуллик, шу жумладан, 7 миллион 895 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

● Автомобиль транспортининг барча воситалари билан 6 миллион 220,5 минг киши ташилди.

● Ўзбекистон ҳаво йўлларида 9 минг йўловчига хизмат кўрсатилди.

● Темир йўлда 47,8 минг йўловчи ташилди.









Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги бир йиллиги серқуёш диёримизнинг ҳамма шаҳар-қишлоқларида умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Куни кеча Тошкентнинг Собир Раҳимов райони аҳолиси учун катта сайил ўтказилди. Унда районнинг бадиий ҳаваскорлик жамоалари, Гулистон шаҳридан келган Анвар Мўйдинов бошлиқ дорбозлар гуруҳи ўз санъатларини намойиш қилдилар. Район умумий овқатланиш ва озиқ-овқат савдоси идоралари аҳолига мунозиб хизмат кўрсатди.

СУРАТЛАРДА: умумхалқ сайлидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

БУГУН— БИЛИМЛАР КУНИ

Тингланг-а, билим масканларида янграётган қўнғироқ овози ўқувчилар, талабаларни, мураббийлар, устозларни ўз бағрига чорлаяпти. Бугун жумҳуриятимизда салкам қирқ олти минг толиби-илмга мўлжалланган янги очилган 97 та мактабда дастлабки қўнғироқ жаранглайди. Истиқлолнинг бир йиллиги айёми нишонланаётган бугунги кунда мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида илк сабоқ «Мустақиллик куни»га бағишланади. Мазкур мавзуда махсус машғулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилади. Шу йўсинда ўқувчилар ва талабалар халқимизнинг узоқ ўтмиш тарихи, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида бугунги кунда рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор қилинади.

Тингланг-а қўнғироқ жаранглаяпти...

МУСТАҚИЛЛИК НИШОНАСИ

● «Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг энг яхши беш нафар студенти ўқиш учун АҚШга юборилади». Кейинги пайтларда бундай хабарларни эшитганда, ўқиганда, кўрганда ажабланмайдиган бўлиб қолдик.

Вақолонки, яқин-яқинларгача ҳам хорижга бориш қанчалар мушкул эди. Бари Марказ орқали ҳал қилинар, рухсат тегса бир нави, бўлмаса мўлжалланган ишлар ҳам қолиб кетарди.

Республика мустақилликка эришгач, жаҳонга аввалари кичик бир туйнукдан қаралган бўлса, эндиликда дарвозани ҳайиқмай очиб, остона ҳатлаб, бемалол юз тутяпмиз. Айниқса, ўлкамизнинг довруғи ер харитасининг дерярли қичик нуқталарига ҳам етиб бораётганлиги, уни тан олишаётгани кишига ғурур, завқ бағишлайди. Шу билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Зеро, мустақилликни мустаҳкамлаш бугунги ўқувчи, эртанги студент, индинги мутахассисга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис республика раҳбарияти ёшларнинг чет элларда ўқиб, ҳунар эгаллашларига катта эътибор бермоқда. Жумладан, ўтган йили биргина Америка Қўшма Штатларига йигирма етти студент ўқишга юборилди. Покистон, Саудия Арабистони, Хитой, Ҳиндистон, Болгария, Польша, Чехословакия, Венгрия, Бельгия сингари ўнга яқин давлатларга бир йилдан тўрт йилгача ўқиш муддати билан жами 129 талаба жўнаб кетган эди. Ҳисоблаб ва таққослаб кўрилганда, Улуғ Ватан урушидан кейинги қирқ йилдан мўлроқ вақт ичида шунча студент чет давлатларга бормаган экан.

Кишининг нияти пок ва эзгу бўлса, у албатта, бир кун рўёбга чиқади. Жумҳуриятимиз раҳбарияти ўз фарзандлари — ёшларга юксак ишонч билдираётгани бежиз эмас. Чет элга билим, ҳунар эгаллаш учун юборилаётган ёшлар зиммасида катта юк бор. Улар ўнта, юзта, мингтанинг ичидан танлаб олинган, тест синовларидан ўтган, билимли, иқтидорли, чет тилини ўзлаштирган ёшлардир. Улар бир нарсани яхши англаб етишган. Хорижда уларга ҳеч ким ён босмайди. Ўқиса, ўрганса, синовлардан ўта олса, тўғрироғи, стипендия ололса унинг учун тўсиқ йўқ.

— Ўзбекларда, қўполроқ бўлса ҳам, «ўзинг учун ўл етим», — деган мақол бор, — дейди



СУРАТДА: Туркияга ўқишга юборилган Тошкент вилоятининг ҳунар-техника билим юртлари талабаларидан бир гуруҳи.

Даврон АҲМАД олган сурат.

УЛАР ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

ҳазил аралаш республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги чет эллар билан алоқа бошқармаси бошлиғи В. Нестеров. — Ўтган йили биз Вашингтонда бўлиб, таълим олаётган талабаларимизнинг ҳаёти билан танишганимизда уларнинг ўқиши, яшаш шароити, турмуш-турмушидан норизо бўлганини кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Уларнинг билим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Ҳатто ётоқхоналарда ҳар бир студент алоҳида электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминланган. Ҳамма гап фақат малакали мутахассис бўлиб етишишда қолган.

Маълумотларга кўра, бу йил ҳам икки ярим мингга яқин талабалар, ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари чет элларга таҳсил олиш учун юбориляпти. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, республика Президентининг бу йилги қарорига кўра, студентларнинг ёзги таътилга келиб-кетиш харажатларини ҳукуматимиз ўз зиммасига олди.

Давлатлар, мамлакатлар ўртасида яқин қўшничилик алоқаларининг ўрнатилиши натижасида кейинги бир-икки йил ичида ёшларни Туркияга юбориш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Тошкентда ҳунар-техника билим юртлари ўртасида танлов ўтказилди. Унда Туркиядаги таълим-тарбия, ҳунар ўрганиш борасида кучли талабларга жавоб бера оладиган, ўқишни эплайдиган ўқувчилар синовдан ўтди. Унинг ғолиблари бу йил ўқишни Туркия лицейларида давом эттириш билан бирга, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, енгил саноат соҳаси бўйича касб-кор ўрганадилар. Кейинчалик ўқишни яхши тугатганлар ўша ерда қолиб, техника университетларида билим олишни давом эттиришлари мумкин.

Бугунги мураккаб шароитда ҳукуматимиз ишбилармон мутахассислар, малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Ён олимлар Америка, Канада, Германия, Бельгия сингари мамлакатларнинг илмий мактаблари, докторантураларига юборилмоқда.

Ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор иқтисодиётининг мураккаб муаммоларини ҳал қила оладиган малакали мутахассис, эртанги кун оғирини енгил қилишга қодир ўринбосарлар ана шу хорижга юборилган дастлабки қалдирғочлардир. Бизнинг кўз тикканимиз ҳам шу ёшлар. Илк қўйилган қадам ҳамиша қийин бўлади. Аммо, у яқин йиллар ичида ўз мевасини бериши шубҳасиз.

Умида ФАЙЗИЕВА.

АСКАРЛАР ҚЎШИҚ АЙТАДИ

● «Дунёда ҳеч нарса аскарни жанговар маршчалик руҳлантира олмаган», деган эди саркарда Суворов. Куни кеча Тошкентдаги Марказий зобитлар саройида бўлиб ўтган аскар қўшиқлари умумармия биринчи фестивали мустақил диёримиз аскарларининг жанговар қўшиқ ва марш-ларини яратиш йўлида қўйилган илк қадам бўлди.

Бу танловда республикамиздаги бир қатор ҳарбий қисмларнинг ансамбллари, якка ижрочилари, қуролли кучларнинг бирлашган ашула ва рақс термаси, Зебо Ғаниева номидаги фронтчи санъаткор аёллар бригадаси ҳамда кўплаб бошқа жамоалар иштирок этишди.

Фестивалнинг муваффақиятли ўтказилиши учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Осиё континенталь» халқаро савдо уйи, афғончи фахриялар уюшмаси хомийлик қилиб кўплаб совринлар ва эсдалик совғалари таъсис этди.

— Ҳарбий қўшиқлар танловидан кутилган мақсадга эришилди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, шоир Мирпўлат Мирзо. —Республика адиблари, бастакорлари ёш мустақил армиямиз учун ўнлаб ўзбекча қўшиқларни ижод этишди. Уларни ҳарбийлар бажонидил қабул қилдилар ва жўшқинлик билан ижро этмоқдалар. Келгусида армиямизнинг бундай жанговар қўшиқлари кўпайиб боради, деб бемалол айтиш мумкин.

Шораҳмат ҚУРБОНОВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАВИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ИСТИВДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

● ФЕРМЕР У. ШОИМОВ: «МЕНИ МИЛЛИОНЕР ДЕЙИШАДИ»

● «ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ» МАҚОЛАСИ МУШТАРИЛАР ЭТИБОРИДА

● «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 3.00
№ 172. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.